

# **ИСТИКЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ**

*Шеърлар*

Faфур Fулом номидаги Адабиёт  
ва санъат нашриёти  
Тошкент – 2001

С (Ўзб)2  
И83

Тўпловчилар: Турсунбой АДАШБОЕВ,  
РУСТАМ МУСУРМОН

Истиқлол илҳомлари: Шеърлар/Тўпловчилар:  
Т. Адашбоев, Р. Мусурмон. / Т.: F. Фулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашр., 2001. — 160 б.

1.Адашбоев Т., Мусурмон Р. тўпловчилар.

Ўзбек халқининг асрий орзуси бўлган Истиқлол  
ғояларини шоирларнинг ўнлаб авлодлари ҳар қандай тазиқ,  
тақиқ ва қатағонларга қарамай куйлаб ўтлилар, озод Ватан  
ва ҳур ҳаёт ҳақидаги жанговар, исёнкор шеърлари билан  
халқ қалбига умид учқуналарини сочиб келдилар. Шукрлар  
бўлсинки, ана шу орзулар ушалиб, Ватан озодликка  
эришганлигининг ўн йиллиги нишонланаётир. Мана шу  
даврда ўзбек шоирлари яратган Истиқлолга садоқат, Ватанга  
муҳаббат ва буюк келажакка ишонч туйғулари уфуриб  
турган шеърлар халқ мулкига айланиб қолди.

“Истиқлол илҳомлари” номли қўлингиздаги китобга  
Мустақиллик даврида баракали ижод қилаётган  
шоирларнинг турли авлодлари вакиллари ижодидан саралаб  
олинган шеърлари киритилган.

Т  $\frac{4702620202 - 30}{M 352 (04) - 2001}$  режа – 2001

ISBN 5—635—02013—5

© Т. Адашбоев, Р. Мусурмон  
(тўпловчилар). Faфур Фулом  
номидаги Адабиёт ва санъат  
нашиёти, 2001 й.

*АБДУЛЛА ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Халқ шоири*

## **ЎЗБЕКМАН**

Янги бир асрнинг остонаси бу,  
Етишдим умримнинг кутлуғ ёшига.  
Тилимда шукrona, дилимда фулу,  
Тарих саркотибин келдим қошига:

— Мана, мен -- Ўзбекман, қўлимда түғим  
Ва барча аъмолим битилган китоб.  
Шунинг ичиладир борим ва йўғим,  
Шунинг ичиладир мен учун офтоб.

Ўзбекман, иншооллоҳ, иймоним бутун,  
Тилим қисиқ эмас башариятдан.  
Кимгадир тенгдирман, кимдандир устун,  
Зувалам қорилган самимиятдан.

Ўзбекман, гоҳида иқболим кулиб,  
Гоҳида ўзимдан чиққан офатим.  
Дунёни олсам-да жаҳонгир бўлиб,  
Гўдак йифисига йўқдир тоқатим.

Ўзбекман, қанчалик жафо чекмайин,  
Ўзимга ҳақ бўлдим, ўзимга ҳақман.  
Яшадим ёвларга бўйин этмайин,  
Бу кун ўз эркига эришган халқман.

Истиқтол, кетма юрт пешонасидан,  
Толе, тарқ этмагин бизни илоҳим.  
Мана, янги аср остонасидан  
Ўтдим. Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм.

**ҲАМИД ФУЛОМ,**  
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

**АЙЁМ МУБОРАК**

Қадрдон дўстларим, айём муборак!  
Яна уйларимиз тўла ва гавжум,  
Яна чеҳраларда сокин табассум,  
Севинчдан кечалар келмайди уйкум,  
Қадрдон дўстларим, айём муборак!

Яна янграб қолди қўшиқлар, куйлар,  
Элим баҳтиёрлик, севинчдан сўйлар  
Бошимизда яхши ниятлар, ўйлар,  
Кутлуғ бўлсин энди байрамлар, тўйлар.  
Қадрдон дўстларим, айём муборак!

Энди қайтиб келмас кулфат тунлари,  
Даҳшатли истибдод қора кунлари,  
Боғларни янгратар шодлик унлари,  
Эй қаро кўзларим, айём муборак!  
Қадрдон дўстларим, айём муборак!

Оғир гуссаларга ясалди якун,  
Ҳаммамизга келди азиз, улуғ кун,  
Хаёлимиз нурли, уйимиз тўкин,  
Қоши қундузларим, айём муборак,  
Эй қора кўзларим, айём муборак!

Кўролдим элимнинг саодатини,  
Эрклиқ давронини, баҳт соатини,  
Васл ҷоги, кўришув шарофатини,  
Баҳтиёр диёрим латофатини,  
Қадрдон дўстларим, айём муборак!

Янграсин қўшиқлар, авжи тарона,  
Согиндим, тикилай мен ошиқона.  
Шу икки мисра шеър бўлиб баҳона,  
Дилимни ёзайнин мен қона-қона,  
Қадрдон дўстларим. айём муборак!

## НАВРЎЗ

*Абдулла Ориповга бағишилайман.*

Қиши чўзилди.

Ариқ бўйида  
Бинафшани соғиндим.  
Сен-чи?  
Эрка қушлар қувноқ тўйида  
Мен саъвадаң сўраб суюнчи,  
Кулгу бўлдим фирром майнага.  
“Эй, мияси буткул айнаган,  
Асосини йўқотган чол, -- деб, --  
Фирром майна устимдан кулди,  
Бу қанақа бачки савол?” -- деб;  
Кулгусига дала-дашт тўлди.

Ҳай, бу -- ҳазил.

Энди бир нафас  
Асқияни қўйиб турайлик.  
Наврўз надир? --  
Уйгонган ҳавас,  
Шу ҳаваснинг кайфин сурайлик.

Қиши чекинди.

У кетаётиб,  
Ерга ёйди оқ қўрпасини.  
Эл қийналсин совуқда қотиб, --  
Деди, гўё шум нафасини  
Сўнгги марта ерга уфуриб,

Лекин, кучи етмади.

Баҳор

Чарақлади гул юзи билан.

Тўй бошлаган эди баҳтиёр

Эллар гўзал Наврӯзи билан.

Наврӯз, наврӯз!

Тансиқ Янги кун,

Нафасингдан элинг айлансин.

Дили тоза, чеҳраси гулгун,

Хуш исингдан элинг айлансин.

Бир қараашда

гўшангадаги

Нозли келин бўлиб куласан.

Бир қараашда

сен гулшандаги

Атиргулдай

нурга тўласан.

Кулоқ солсак,

сенинг хонишинг

Титратади заррин ҳавони.

Ишқдан,

фақат ишқдан — ёнишинг,

Ишқ ўргатган сенга навони.

Сен куйлайсан, муштоқ булбулим,

Гул шохидагунчалар бўртар.

Сен куйлайсан, отланиб элим,

Тўда-тўда

далага йўртар.

Муҳаббатнинг тимсоли — ёрсан.

Ҳам янгисан ва ҳам азалий,

Эл дилида мудом такрорсан,

Худди Абдулланинг ғазали.

Сенинг жилванг — тозалик рамзи,

Сенинг куйинг — эркка тарона.

Сенга чексиз инсоннинг қарзи,  
Ардоқлайсан уни шоҳона.  
Мен шу шеърим бўлиб баҳона,  
Изҳор этдим сенга ихлосим,  
Фуқарони, сен ошиқона  
Мехринг билан сийлашинг лозим.  
Сен улуғсан, сен мубораксан,  
Қишиғубори маҳв бўлажақдир,  
Сен тоза ишқ, тоза юраксан,  
Гар билмасам саҳв бўлажақдир.  
Сени кутлар замин ва осмон,  
Сен мангуга порлаган нурсан.  
Сени кутлар эл, улус шодон,  
Сен одамга қувонч, сурурсан.  
Сен инсонлар кўнглига шодлик,  
Софинч, ҳавас, поклик соласан.  
Сен интилиш, ижод, ободлик —  
Рамзи бўлиб мангу қоласан.

Наврӯз!

Куёш юзли келинчак,  
Тиниқ тонглар оқлиги сенда,  
Шаффоф кўқдан нур эмган чечак,  
Илк хилқатнинг поклиги сенда.  
Наврӯз!

Номинг сенга ярашиқ,  
Янги кундай доим янгисан.  
Сенга элинг абадий ошиқ,  
Истиқлолнинг нурли тонгисан.



**ЭРКИН ВОҲИДОВ,**  
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**  
**Халқ шоири**

## **МЕНДА БОР ИШҚ ИЧРА ФАМ...**

Менда бор ишқ ичра фам,  
Ҳажр ичра дард ул ойда йўқ,  
Дардни дард билмас кишига  
Сўзламоқдан фойда йўқ.

Кўз ёшим кўрганда сой ҳам  
Шарқираб кулса не тонг,  
Бор менинг қўксим аро  
Тошқинки, ҳеч бир сойда йўқ.

Дард билан қормиш илоҳим  
Лойимиз тақдир азал,  
Ўзга дардин англамоқ леск  
Биз қорилган лойда йўқ.

Оlam аҳли ичра дилдош  
Иzlама, кезма жаҳон,  
Зарга зор ҳар ерда бордир,  
Зорга зор ҳеч жойда йўқ.

Майли, зар сизларга бўлсин,  
Менга зор ишқ ичра бас,  
Бу хазинам аҳли дунё  
Ичра ҳеч бир бойда йўқ.

**ИБРОЙИМ ЮСУПОВ**  
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон**  
**халқ шоири**

**БЎЛМАС**

Ерга хизмат қилмай пўлат позалар  
Юзлари ярқираб очилган бўлмас.  
Элга хизмат қилмай ўқтам йигиглар  
Мардлик сифатлари очилган бўлмас.

Яхшиларга хизмат қилсанг ёшингда  
Кексайганда ёшлар турар қошингда,  
Гур-гур ёнган ўтни ўчоқ бошинда  
Киши қўли билан учирган бўлмас.

Улуғла ўзингнинг асли зогингни,  
Юқори тут беклиқ инобатингни,  
Бир кун келиб тутмасалар отингни,  
Ёшларга ўпкалаб, қисинган бўлмас.

Ошиқ Аёз айтар: тангрим берсалар,  
Яхшилар шод бўлиб даврон  
сурсалар,  
Аввал-охир феъли бузуқ кимсалар  
Ҳажга борган билан мусулмон  
бўлмас.

*Ойдии ҲОЖИЕВА  
таржимаси*

*РАМЗ БОБОЖОН,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири*

**ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ**

1

Арслон оғзидан олдим баҳтимни,  
Юлдуз бўлиб ёнди эзгу бир ният...  
Тикладим минг йиллик кутлуғ таҳтимни,  
Кўз тегмаса басдир, бевақт, beminnat!

Саодат тантана қилди дафъатан,  
Йиғлоқи “Шашмақом” кулгусими, бу?  
Аждодим кўрмаган Ватансан, Ватан!  
Нақлу эртакларда куйланган орзу.

Тангри қўлладими ё танти қисмат,  
Курбонсиз забт этдик метин қалъани.  
Онам тирик бўлса, кошки, шу фурсат,  
Кувониб айтарди янги аллани...

Тебранса тебрансин минг, миллион бешик,  
Лекин тебранмасин ҳадикдан юрак!  
Аҳдимиз мустаҳкам, мустаҳкам эшик,  
Истиқлол муборак,  
кувонч муборак.

2

Боғ ошдим, баҳор ошдим,  
Ёш эдим, қайнаб — тошдим,  
Ёзга етганда, найлай,  
Билмадим, қайга шошдим?  
Йўлни танимай қолдим,  
Балки қаридим, толдим...

Лекин овга чиққанда  
Ўлжага оху олдим.

Бўш келмадим ҳеч кимга,  
Дардни ютдим ичимга,  
Мақтансам-мақтансасам,  
Ишондим ўз кучимга.

Ёмонни олиб урдим,  
Яхшини яхши кўрдим,  
Қўл қовуштириб, эшик —  
Остонасида турдим.

Дўстларни кутдим тонгдан,  
Келаверди ҳар ёндан...  
Кексалик гаштин сурдим,  
Кечгудай бўлиб жондан.

### 3

Баркамол, суюкли, азиз диёрим.  
Имоним, армоним, жон Ўзбекистон.  
Аламнок виждоним, онаизорим,  
Авлодлар баҳтига омон бўл, омон!

Балли! Озод жумхуриятим,  
Фуурим, суурим, миллат ардоги...  
Сен олий ҳимматим, зеби зийнатим,  
Забардаст меҳнатнинг мунгли булоғи.

Сен сахий, дилбарсан, ҳалқларга манзур,  
Қардошлиқ тимсоли, дўстлик байроби.  
Ўғил-қизларинг бор оламга машхур,  
Асрий маърифатнинг нурли ҷароғи.

Балли! Обод жумхуриятим,  
Гўзаллик гулбоғи, ёшлиқ ўчоғи.

Илоҳий санъатим, абадиятим,  
Буюк бир тарихнинг дардли сабоғи.

Нуроний ўзбексан, шикаста дилсан,  
Замонлар забтида инграган рубоб!  
Ер-сувинг бекиёс, бебаҳо элсан,  
Ер ости бойлигинг бесон, беҳисоб...

Балли! Шерзод жумхуриятим,  
Эркингни бой берма, омон бўл, омон!  
Сенсан адолатим, эзгу қисматим,  
Дахлсиз давлатим, жон Ўзбекистон.

#### 4

Сени ўйлаганда ўйим тугамас,  
Сен менинг буй-бастим, буюклигимсан!  
Сени куйлаганда куйим тугамас,  
Менинг илҳомчимсан, суюклигимсан!

Мен ўша ўзбекман, хастай дилман,  
Неча бор алданган, таровати танг...  
Гўё олақарға чўқиган тилман,  
Неча йил сўйлолмай бўлдим-ку, гараш...

Ватан деганимда сени кўраман,  
Муштипар, серташвиш, азиз, меҳрибон..  
Сенинг меҳринг билан тўлқин ураман,  
Яхшига яхшиман, ёмонга ёмон!

Сенинг меҳринг билан тилга кираман,  
Тергайман, синайман ўзимни ўзим...  
Бегараз дил билан дилга кираман,  
Тангрига ташаккур! Ёруғдир юзим...

Сенинг меҳринг билан бағрим бутундир,  
Сенинг меҳринг билан равондир йўлим.

Сенинг меҳринг билан ғоям устундир,  
Қўл чўзсан, қуёшга етгудай қўлим...

Эй она-заминим, ота-Ватаним!  
Не куңлар бошимдан кечмади, билсанг!..  
Сенсан халоскорим, таянчим маним,  
Наҳотки, қалбимдан бир нафас жилсанг?!

Йўқ! Сени севаман, сени ёқлайман!  
Даҳлсиз давлатим — Ўзбекистоним...  
Жонимдай ардоқлаб, жондай сақлайман,  
Жондай жаҳонимсан, жаҳондай жоним!

Сен менинг ҳамдардим, ҳамиша ҳамдам,  
Эзгу тилагимни сенга айтаман:  
У дунёга бир кун кетганимда ҳам,  
Қайтар бўлсан, фақат, сенга қайтаман!



**ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ,**

*Ўзбекистон ҳалқ шоири*

## **ЖАҲОНДА ЯГОНА ЎЗБЕКИСТОНИМ**

Талпинсам ўзингга талпинадурман,  
Топинсам ўзингга топинадурман,  
Софинсам ўзингни софинадурман,  
Бошингдан меҳр ила ёғиладурман,  
Жаҳонда ягона бўстоним менинг,  
Ўзбекистоним!

Мен учун ягона дунё ўзингсан,  
Ою қуёшимсан, Зуҳро ўзингсан,  
Муқаддас Каъбаю Румо ўзингсан,  
Мухримда порлаган Ҳумо ўзингсан,  
Жаҳонда ягона бўстоним менинг,  
Ўзбекистоним!

Сен офтоб юртисан, нурлар юртисан,  
Бепоён ҳазина, дурлар юртисан,  
Фаришталар юрти, ҳурлар юртисан,  
Аллоҳ назар солган юртлар юртисан,  
Жаҳонда ягона бўстоним менинг,  
Ўзбекистоним!

То жаҳон борича баҳтинг бор бўлсин,  
Осмонинг ҳамиша беғубор бўлсин,  
Истиқлолинг мангубарқарор бўлсин,  
Юртбошимиз меҳри доим ёр бўлсин,  
Жаҳонда ягона бўстоним менинг,  
Ўзбекистоним!

**ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Ўзбекистон халқ шоираси**

## **ОЗОДЛИКНИ БЕРИБ КЕТИНГ!**

Келдингизми...  
Дунё яшил-сариф ранглар,  
Шул рангларга кириб кетинг.  
Тўймай қолсин кузатганлар,  
Босиб-босмай юриб кетинг.

Юк бўлса гар баҳт юк бўлсин,  
Баргларингиз кўм-кўк бўлсин,  
Кўзларингиз қуруқ бўлсин,  
Сархушликдан эриб кетинг.

Томирларни ўчлантириб,  
Бурчлантириб, кучлантириб,  
Қайгуларни кичрайтириб,  
Кўкракларни кериб кетинг.

Ёриқ, дарз топмасин ёғий,  
Болангизнинг боллашмоғин,  
Элингизнинг эллашмоғин,  
Тайинланг, буюриб кетинг!

Фақат ерни мола қилиб,  
Умр ўтмасин вола қилиб,  
Болангизга бола қилиб,  
Озодликни бериб кетинг!

*ОМОН МАТЖОН,  
Ўзбекистон ҳалқ шоури*

**ЭЪТИҚОД**

Аллоҳ деганим Севги,  
Аллоҳ деганим Ёғду.  
Овозим лаҳза — тўлқин,  
Акс-садоси Мангу.

Аллоҳ деганим Уммон,  
Аллоҳ деганим зарра.  
Жисмимда гўдак бўзлар,  
Руҳимда етук баҳра.

Аллоҳ деганим Борлик,  
Аллоҳ мовий қалдироқ.  
Ошкора оҳларимдан  
Пинҳон дардим оғирроқ.


Аллоҳ деганим йўлдир,  
Аллоҳимдир тақдирлар.  
Олдинда жим борурлар  
Сукут ридоли пирлар...

Хоразм — илоҳий соз,  
Хоразм — Авестодир.  
У барча тарихлардан  
Чуқурроқ... ва устдадир.

Мўмин бўлсангу аммо  
Ҳасадгўй, ола оғиз, —  
Қадамда чингизлар бор,  
Сўйлоқ тишли чанқовуз.

Аллоҳ деганим ўзи --  
Парча нур ва қўнглим тўқ!  
Фаламис ёвларимнинг  
Шугина бахти ҳам йўқ.

Аллоҳ деганим -- Ҳолдир,  
Шуни асрасам -- Борман.  
Ҳарки мавқега, юртим,  
Сен боис Сазоворман!



ОЙДИН ҲОЖИЕВА,  
Ўзбекистон халқ шоираси

## ИСТИҚЛОЛ СҮЗИН АЙТСАМ

Истиқлол сўзин айтсам,  
Кўксимда чинор ўсар,  
Лайлаклар уя қурган  
Бухорий минор ўсар.

Набирам лаҳжасида  
Тоғдайин викор ўсар,  
Ғунчалар нафасидан  
Жаннатий ифор эсар.

Қатраси дур ёмғирлар  
Шивалаб, баҳор эсар,  
Озода руҳ Тоҳирлар  
Савлатида сор ўсар.

Чақмоқ урган тутларнинг  
Бағрида дутор ўсар,  
Бургутфеъл йигитларнинг  
Кўкайида ор ўсар,

Бешикдаги бек болам  
Ҳаққа ҳаводор ўсар,  
Маликчўл — қутлуғ далам  
Исириқ -- тумор ўсар.

Шаҳидлар қалқиб бедор,  
Тириклар ҳушёр ўсар,  
Юртим юксалиб қирқ газ  
Элим эркиёр ўсар.

Руҳлар — уйғоқ, шаън – уйғоқ  
Тилимда алёр ўсар,  
Истиқлол сўзин айтсам  
Кўнглишимиз минг бор ўсар.

ТҮРДА СУЛАЙМОН,  
Ўзбекистон халқ шоири

**АЙЛАНИБ**

Ин айланиб яшар майна,  
қарчигай осмон айланиб,  
Қузғун ўлжа илинжида,  
жигалтой ўрмон айланиб.  
Тустовуқ түқай ичинда,  
қорқуш зиндан айланиб.  
Қарқара изғир қонсираб,  
теграмда пинҳон айланиб.  
Тун оқшом кезар бойўғли  
ёмондин-ёмон айланиб.  
Қон тўкилган ерга келмас андалиб  
бўстон айланиб,  
Саъва чаман ичра, қумри настарин,  
райҳон айланиб,  
Турна парвоз этиб кўкда,  
қирғовул ёбон айланиб.  
Қалдиғоч келса эшик оч,  
юрмасин илон айланиб,  
Хушхабар элтар кабутар  
эл аро осмон айланиб.  
Бахт куши топмиш қўнаға  
шонли Туркистон айланиб —  
Ўз ҳолига келмиш Турон замондин —  
замон айланиб —  
Туғросига қўнмиш Ҳумо мустаҳкам  
Кўргон айланиб.  
Чор атрофга зоф йўламас  
семурғ девон айланиб.  
Соҳибқирон руҳи шодмон  
иззатли хоқон айланиб,  
Бу не баҳтким, юрса ҳудҳуд  
Тўра Сулаймон айланиб!

*АНВАР ОБИДЖОН,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири*

## **ИСТИҚЛОЛНИНГ ТЕНГДОШИМАН**

Она ҳалқим жондошиман,  
Эрксеварлар қондошиман.  
Үнга кирдим — сонга кирдим,  
Истиқлоннинг тенгдошиман.

Ойим чевар, дадам деҳқон,  
Опам олим, акам посбон.  
Мен улғайиб ким бўлсан ҳам,  
Келтирасам бас юртимга шон.

Мактабимда Фарҳодлар бор,  
Бобур, Лайли, Беҳзодлар бор.  
Яна ўттиз йилдан кейин  
Энг баландга номзодлар бор.

Бари ўсиб-унар яна,  
Қадди баланд бўлар яна.  
Юртимиз ҳам йилдан йилга  
Биздек кучга тўлар яна.

Үнга кирдим — сонга кирдим,  
Дастёр бўлдим, ёнга кирдим.  
Истиқлонга тенгдош бўлиб,  
Нурли-нурли тонгга кирдим.

**БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ,**  
**Ўзбекистон ҳалқ шоири**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИМАН**

Мен донишманд ҳалқимнині бир мушфиқ  
шоириман,  
Ота мерос Ватаним улуғ Ўзбекистондир.  
Ўз умридан баҳтиёр инсонларнинг бириман,  
Мен күйлаган чаманим қутлуг Ўзбекистондир.

Ўзбекистон деганда -- қўксим тутиб тоғ қадар,  
Бир буюк фуур билан янграп менинг овозим.  
Шеърият майдонида от ўйнатиб музофтар,  
Оlamни куйга чулғаб жаранглар юрак созим!

Бу бир гўзал Ватанким, қилиб бўлмас тасаввур,  
Қўркидан боғи жаҳон яқосини эттагай чок.  
Бунинг борлиғи учун ерга айтиб ташаккур,  
Куёшу ой, юлдузлар жилмайиб боқар қувноқ.

Бу диёрга табиат қилиб гўё каромат,  
Қалбига берди ҳаёт Осиё сийнасида.  
Қўли гул эл баҳтига бўлгин, дея, саломат,  
Олам ҳуснини кўрди муборак сиймосида.

Мусаввирдек тонг билан қўлга олганда қалам,  
Ҳали гўдак дунёдан ахтарган турфа ранглар,  
Борлиқ гўзаллигини жамолида этиб жам,  
Бошидан минг ўргулиб, пойига сочган зарлар.

Мехрин қўшиб қорганда бу замин тупроғига,  
Сероб дарёси билан тоғларини яратган.

Сеҳргардай боққанда кўзлари қароғига,  
Мўтадил иқлим бирла боғларини яратган.

Осиё бешигида улгайган Ўзбекистон  
Кўркига жило берди меҳнаткаш эл санъати.  
Истиқлол ёғусига йўғрилган Ўзбекистон  
Бошини силар мангу аждодлар салтанати.

Улуг' ўзбек халқининг тоғ қадар фурурида  
Менинг ҳам нурдан тоза меҳру муҳаббатим бор.  
Дунёни қойил қилған буюк тафаккурида  
Менинг ҳам учқун қадар заковатим барқарор.

Мен донишманд халқимнинг бир мушфиқ  
шоириман,  
Ота мерос Ватаним улуг' Ўзбекистондир,  
Ўз умридан баҳтиёр инсонларнинг бириман,  
Мен куйлаган чаманим кутлуғ Ўзбекистондир!



ШУКРУЛЛО,  
Ўзбекистон халқ шоири

### СЕН УЧУН ДЕДИМ

Юрак қоним билан неники ёздим,  
Сени балолардан сақламоқ учун.  
Гоҳида ҳақ ёздим, гоҳида оздим,  
Сенинг ҳақлигингни оқламоқ учун.

Баҳор гўзаллигин севмайди ким ҳам,  
Мен ҳам гўзаллигин тўлиб куйладим.  
Аламли ва ғариб қалбингга бир дам,  
Малҳам бўлармикан дея ўйладим.

Кўкни зулмат қоплаб, дунёни гўё  
Фам босгандек, бўраб ёққанида қор,  
Менинг кўз олдимда гўёки рўё  
Юпин кўриндинг-ку, йиғладим бедор.

Мен куйлаган бўлсам булбул навосин,  
Гуллар чиройини этган бўлсам мадҳ,  
Мен изладим фақат дардинг давосин,  
Бағишламоқ бўлдим бир нафаслик баҳт!

Ахир йиллар бўлди, замонлар бўлди,  
Ҳақиқатни айтсам, кесилди тилим,  
Неки деган бўлсам, сен учун дедим,  
Эркинг учун дедим, сен учун дедим.

**УСМОН АЗИМ,**  
**Ўзбекистон ҳалқ шоири**

\* \* \*

Яшашга не етсин!.. Дунё -- сеҳрли,  
Ўлгунча сеҳрига тўймайди кўзинг.  
Бошингдан гоҳ нурдай қуяр меҳрни,  
Гоҳ тошлар ёғдирап -- етмайди тўзим.

Гоҳ қорин ғамида чекасан заҳмат,  
Обруй талашмоқдан гоҳ дилда тугун...  
Аммо чин яшашни истасанг, фақат  
Ўзбекистон учун яшамоқ мумкин.

Ўлим ҳам бор нарса -- калхатдай учар  
Чумчуқдай жонингни бергани қурбон.  
Бироннинг титраган товуши учар,  
Бирор ўз ғамида адойи тамом.

Майли, ўлимни ҳам айлагин ҳурмат,  
Бандаси дунёдан бигта жон қарздир...  
Чиндан қурбонликка жаҳд қилсанг, фақат  
Ўзбекистон учун жон бермоқ арзир.

Мангу яшамоқнинг сирими? Ошкор!  
Бекорга ҳар тараф урингайдирсан:  
Магарким, жон бердинг юрт деб неча бор,  
Ончаким, қайтадан тирилгайдирсан.

## ҲУРРИЯТ

Боғлардан эсади оромбахш еллар,  
Қуёшга бағрини тутади ерлар,  
Наврӯзи оламни кутади эллар,  
Бу эзгу саодат, ҳуррият, дўстлар.

Ҳуррият нигоҳи тарих қалбида,  
Жонфидо элларнинг мангу аҳдида,  
Зулматлар тарк бўлур қуёш олдида,  
Бу эзгу саодат, ҳуррият, дўстлар.

Широқнинг чироги ҳуррият бўлган,  
Темурнинг яроғи ҳуррият бўлган,  
Элларнинг байроби ҳуррият бўлган,  
Улар нур, эрк йўли, ҳуррият, дўстлар.

Хоразмий “Ал-жабри”, шайх Кубро хуни,  
Навоий навоси, Сино “Конуни”,  
Беруний, Улуғбек дониш очуни,  
Улар нур, эрк йўли, ҳуррият, дўстлар.

Одамзод яшайди эрк, орзу билан,  
Қадрият ўлчови тарозу билан,  
Дили пок, эли пок эл ёғду билан,  
Бу эзгу саодат, ҳуррият, дўстлар.

Вояга етганда кутарсан иқбол,  
Топган ризқ, насибанг бўлмасин увол,  
Боғбонсан, қолса гар сандан бир ниҳол,  
Бу эзгу саодат, ҳуррият, дўстлар.

Ёрдамга қўлинг чўз, ожизни кўрсанг,  
Йўлдош бўл сафарда ёлғизни кўрсанг,  
Азиз бўл элингда азизни кўрсанг,  
Бу эзгу саодат, ҳуррият, дўстлар.

Ҳуррият, нақадар азизсан, ҳурсан,  
Ўзлигин билганга нурли умрсан,  
Бу ёруғ дунёда илоҳий нурсан,  
Бу эзгу саодат, ҳуррият, дўстлар!

## КАРВОНЛАР БОРАДИ

Карвонлар боради қадим йўллардан,  
Юклари тижорат, замин дунёси,  
Сарбонлар боради азим йўллардан,  
Юклари табаррук, ипак зиёси.  
Карвонлар боради, беш минг йил бурун  
Ўтган йўлларига қарайман ўйчан,  
Бири ичкарига, бириси берун,  
Қолган дейман тошда излари қачон.  
Сўрайман у битик суратлардан мен,  
Ўзлигин қолдириб тошларда инсон,  
Кенг олам бағрига ўтганлар, кейин,  
Тоғларда, боғларда қурганлар макон,  
Қирғоққа тўш урап Сир билан Аму,  
Беш минг йил, ундан ҳам кўпга гувоҳ у,  
Ҳар томчи сувим дер ҳаётбахш орзу,  
Карвонлар йўлига тарихман мангур.  
Қарайман карвонлар йўлига дилдан,  
Бирида боради сардор Спитамен.  
Қўтарар курашга мардларин элдан,  
Ўчирад келгинди ёвлар қадамин.  
Карвонда Исмоил Бухорий, Сино,  
Беруний йўл олур элга бўлиб нур,  
Билимда йўғрилар қадим муаммо,  
Карвонлар йўлида ўтади умр.

Карвонлар боради бугун ҳам, қадим  
Шу буюк элимдан кенг дунё бўйлаб,  
Карвонга қарайман, қўлда қаламим,  
Истиқлол, элимнинг бахтини ўйлаб.  
Карвонлар ўтади — қадим эл сўзи,  
Тушмасин дейман ёв — ҳурганлар кўзи.  
Карвонлар боради қадим йўллардан,  
Сарбонлар боради азим йўллардан.



## ҚАЛБИМДА ҚЎШИҚ

Йигит оғасиман ёшин яшаган,  
Умрим кексалиқдан топган пайт дарак.  
Лекин улфатларим ёш ўспириналар,  
Қалбимда қўшиғу дўппи чамбарак.  
Кексалар хаёлин билмасман ҳатто,  
Қайта болаликка қайтгандайман.  
Дўстлар, ажабланманг, сизга демабман,  
Неча ёшлигимни, ҳа, айтгандайман.  
Бир йигит умрини яшаб хотиржам,  
Бугундан эртамни рўйрост сезаман.  
Бахтимдан ўргилай, она-шаҳримнинг  
Эзгу қуюғида маминун кезаман.  
Тошкент деб бекорга ном олмаган бу —  
Тошдек қаттиқ кунлар гувоҳи шаҳрим.  
Ўтмишни эсласам бағрим эзилса,  
Ҳозирни кўрганда очилар баҳрим.  
Эллик йил муқаддам шу муборакбод  
Тупроқда туғилиб, камолга етдим.  
Бугун эзгуликни куйловчи шоир  
Бўлиб мен, шаҳримнинг таърифин этдим.  
Тору танг кўчалар, нураган уйлар,  
Сурати кетмаган ҳали кўзимдан.  
Ҳамон болалиқда кўрганларимни  
Эсласам куламан ўзим-ўзимдан.  
“Ховузбоғ” аталмиш ота маҳаллам —  
Кўхна Кўкалдошнинг шундай ёнбоши,  
Қишу ёз баробар серташвиш элнинг,  
Фам-ғусса ўтида пишарди оши.  
Қадимда одатим ўтгани эслаш,

Боболар бўлган ер зиёратгоҳим.  
Кўкўпар жомеънинг моғор босган у  
Мунгли пештоқида ўйнар нигоҳим...  
Мени у, сарпойчанг далағайлигим  
Мехри ҳеч қалбимдан аримагандай.  
Ҳадиксиз, беибо шўхликларимдан  
Дўстларим дерлар: “Сен – қаримагандай”.  
Тошкентда туғилиб, тош босган элнинг  
Мехри-ла йўғрилдим бола ёшимдан.  
Сулаймон тахтига бермасман бугун,  
Искандар зар қўйса келиб бошимдан.  
Жонимдек қўраман то тирик борман,  
Ҳар ерда ҳамиша она шаҳримни.  
Истаса йўлига ҳадя қўилгум бор  
Фарзандлик шукуҳим, ўлон-шарафимни.



**БАХТ ЭРУР...**

Кўз очиб, олам чиройин қалбга чеккан лаҳзадан  
Бир ширин куй лабларимда: — Жон Ватан,  
жоним Ватан!

Бахт эрур севмак ватанни, чин муҳаббат бўлса  
бас,  
Кимга киргай жон билан у, кимга келгай  
дафъатан.

Барқ уриб ўтгай замонлар, аста дарёлар ўтар,  
Кетмагай беиз ва лекин сенга меҳрин боғлаган.

Кўзга сургайман отам юрган у йўллар гардини,  
Мен учун жаннатга монанд волидам ўсган чаман.

Гул бўлиб кафтингда унгай бахту иқболим  
менинг,  
Дилда орзу, қайга борсанг, сен билан  
бормоқдаман.

Кулбамизга пойдевор сен, бошимизга соябон,  
Бир умр шоирга ёр сен, то абад толибга фан.

Кун келар, ишқ аҳли етгай дард чекиб маҳбутика,  
Бунда бўлмас Ёсуманлар, бунда бўлмас Аҳраман,

Куйла Ҳусниддин билан, созим, Ватаннинг  
васфини,  
Жўр бўлур ўзбек аталган энг чиройли анжуман.

## НАВРЎЗ КЕЛАДИР

Уйғотадир бизни бу тонг сози билан,  
Иzlарида нурли баҳор, ёзи билан,  
Дилда ҳавас, тилда ширин рози билан,  
Чехрасида ишва билан, нози билан.

Наврӯз келадир,  
Ёр-дўст келадир,  
Ризқ-рӯз келадир,  
Ҳақ сўз келадир.

Оҳ, на гўзал, даврада рақс айласалар,  
Севги-сафо бобида баҳс айласалар,  
Меҳру вафо илмини дарс айласалар,  
Элни ҳаёт завқи-ла маст айласалар,

Наврӯз келадир,  
Ёр-дўст келадир,  
Ризқ-рӯз келадир,  
Ҳақ сўз келадир.

Нурга чўмиб, энди рубоб тори таранг,  
Яллада ҳам ўзга жило, ўзга жаранг,  
Ёр юз очар, кўзни кўринг, қошга қаранг,  
Ерга сочиб янги үруғ, янгича ранг,

Наврӯз келадир,  
Ёр-дўст келадир,  
Ризқ-рӯз келадир,  
Ҳақ сўз келадир.



## БУНДАЙ КУНДА СЎЗЛАМОҚ КЕРАК

Кимдир сўзлар уриб кўксига,  
Ёлғонлардан кимдир уксинган.  
Ёза берар мард ҳам, номард ҳам,  
Ким Ватанга бўлолган малҳам!  
Шу саволдан яйраб кетяпман,  
Беихтиёр сайраб кетяпман:  
Босадиган изим ҳам қатъий,  
Эътиқодда ўзим ҳам қатъий!  
Хаёлимда нурли манглайман,  
Кимларгадир ўзни тенглайман.  
Кўз олдимдан ўтар устозлар,  
Уларга бор дилимда розлар.  
Кўтарилса ўртадан парда,  
Дилимдагин айтсам агарда —  
Юртбошимнинг сўзи мисоли,  
Шижоатда ўзи мисоли:  
Куйиб-ёниб яшамас бўлсан,  
Ўша онда, майлига, ўлсан!  
Бундайин кун тушмайди бошга,  
Муҳаббатим урилмас тошга.  
Эй, сен, Ватан, тириклигимсан,  
Майда эмас, ириклигимсан.  
Кучогингда эркаланганман,  
Ишқинг ичра мен ҳам ёнганман.  
Таърифингнинг йўқдир адоги,  
Қону жоним сенга садаға!  
Бахтиёрdir меҳрини қўйган,  
Деяпману, ботаман ўйга:  
Ватан-ватан, дейишим яхши,  
Унинг ғамин ейишим яхши.

Тилимизни четлатишганда,  
Қандай оғриқ сезганман танда?!  
Нега йўқdir Қодирий қабри,  
Қайга етди Фитратнинг сабри?!  
Қатағонлик кечди не учун,  
Шундан чўфга айланган ичим!  
Ўйлаб кўрсам баландроқдаман,  
Гоҳ боғдаман, гоҳ тоғдаман.  
Тушмоқ керак бундай ҳовурдан,  
Яшаганман ўша даврда!  
Кўзимизни очди Юртбошим,  
Қад ростлади қайта бардошим!  
Бундай онда сўзламоқ керак,  
Бўзлаш бўлса, бўзламоқ керак.  
Гуноҳ бўлса ювмоқлик зарур,  
Уни ўздан қувмоқлик зарур!  
Курашмасдан эрищдим баҳтга,  
Армонларим айлансин аҳдга.  
Тайёрига айёр бўлмасман,  
Шунинг учун энди ўлмасман.  
Юрагимда ишқий ҳаяжон,  
Истиқолга фидо этиб жон,  
Равшанлашиб боряпти онгим,  
Оқаришиб кутяпти тонгим.  
Тарих бўлиб қолди қуллигим,  
О, жонгинам, мустақиллигим,  
Сен билдиридинг ўзни ўзимга --  
Кўриняпти тенгма-тенг бўлиб,  
Йилдан йилга қудратга тўлиб,  
Ҳаётимиз бутунлай ўзга,  
Ё сарбоним, тонг оро Сизга --  
Ёндирувчи қўшиқ ёзгим бор,  
Раҳматимни қўшиб ёзгим бор.  
Тенгизлигни тупроққа қориб,  
Манқуртлиқдан бизни қутқариб,  
Дарвозалар очиб жаҳонга,  
Эриштириб ўзбекни шонга,

Яшаяпсиз ҳамон оромсиз,  
Саховатда сахий оламсиз.  
Томиримда жўш урар қоним,  
Душманинг менинг душманим.  
Ҳеч ким энди қазолмайди чоҳ,  
Тинчимизни бузолмас ногоҳ.  
Иқболимиз Сиз бошлаган роҳ,  
Ўзим огоҳ, бутун ҳалқ огоҳ!

## ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОФИ

Ўзбекистон байроби  
Кўзларимнинг қарори.  
Юз кўрсатдинг жаҳонга,  
Тоза диллар чароғон!  
Орзуларнинг чўғи бор,  
Темур бобом руҳи бор.  
Эллар ичра тенг элнинг  
Бугун сендай туғи бор!  
Кўкни безаб турган ёй —  
Ҳеч ўхшали йўқ чирой.  
Ҳикматларга бунча бой,  
Сенда порлаб турар ой!  
Ўн иккита юлдузим,  
Чарақлаган кундузим.  
Бу — фуруру дил сўзим,  
Бу — менинг ёруғ юзим!  
Мустақиллик нурисан,  
Мұҳаббатим қўрисан.  
Одамийлик баҳсининг  
Ҳамишалик зўрисан!  
Менинг борим-йўғимсан,  
Юракдаги чўғимсан.  
Дунё бўйлаб ҳилпира,  
Сен мардана тугимсан!

**МУҲАММАД ЮСУФ,  
Ўзбекистон халқ шоири**

**ТИЛАҚ**

Ҳар кимсанинг бўлсин ўзин бошпанаси,  
Ҳар кимса ўз кулбасида даврин сурсин.  
Одамни-ку айтмай турай, бу дунёда  
Ҳатто қушнинг ёт бутоқда ини курсин.

Тирик инсон бир куни оч, бир кун тўқдир,  
Бир кун тўкин, бир кун бурда нони йўқдир.  
Бир ўғил-ку, отасиз ҳам кунин кўргай,  
Отаси йўқ халқнинг кўрган куни курсин!..

Бир эсласам зирқирайди баданларим;  
Икки қўллаб топганимни тутганларим,  
Олтинларим, кумушларим, маъданларим...  
Бирор меҳнат қилиб, бирор айшин сурсин.

Гарчи бошин эггани йўқ эдик бизлар,  
Экканидан теккани йўқ эдик, бизлар.  
Ватанида ватани йўқ эдик бизлар...  
Ўша зулмат ўтмиш — сенинг уйинг куйсин.

Ўз элингда энди ҳушинг ўзинг чоғла,  
Ўз қўлингда энди қушинг ўзинг овла.  
Олтинларинг тирноқларинг билан ковла,  
Ва йифиб қўй! Болаларинг учун турсин.

Бешикларга тўлиб кетсин зўр ўзбеклар,  
Тили чиқмай кўзи чақнар ҳур Ўзбеклар —  
Давлатбеклар, Эътиқодбек, Иймонбеклар  
Бобожон, деб соқолларинг силаб турсин.

Мен бу шеърни ёзганим йўқ атай ўйлаб,  
Мен шеър ёздим гуркираган юрга бўйлаб,  
Шундай юртни худойимнинг ўзи қўллаб,  
Шундай юртни Худо ўзи асраб юрсин!..



**ҲАБИБ САҶДУЛЛА,**  
**Ўзбекистон ҳалқ шоири**

**ЯНГИ АСР ТОНГИ**

Бақавли Лайлутулқадрни чорлаб,  
Бедор кутдим аср илк тонг палласин.  
Қуёш чиқиб келди уфқдан порлаб,  
Писанд ҳам этмасдан қишининг чилласин.

Олтин нурларини сочиб заминга,  
Дурафшон айлади жумла жаҳонни.  
Шукр эт, етиб келдинг дея, шу кунга,  
Мехр билан қучди ҳар бир инсонни.

Ё, раб, бу манзара туюлди гүё  
Янги аср учун қутлуғ башорат.  
Энди қаҳратондан чўчима, дунё,  
Аллоҳдан ёғмоқда сенга иноят.

Зеро, аср тонги қуёшли отди,  
Зиё кириб борди дил, хонадонга.  
Қаҳратон, зимистон қадрин йўқотди,  
Ҳаётбахш ҳарорат қуйилди қонга.

Нур билан тушалди башарнинг йўли,  
Мунаввар орзулар чиққай рӯёбга.  
Ажабмас, ечилиб бандилар қўли,  
Сўқир қалблар ошно бўлгай офтобга.

Қора кўнгилларга кириб борган нур,  
Ажабмас ниш ургай эзгулик бўлиб.  
Ҳар дилни ёритгай эътиқод, шукр,  
Эллар яшагайлар меҳрга тўлиб.

Унут бўлиб кетгай ҳасад, кин, ғараз,  
Риё ва разолат деган қаломлар.  
Авлодлар етилгай баҳодир, қўрқмас,  
Беҳадик кечгуси умр, айёмлар.

Мен қуёш томонга тик боқиб бу тонг,  
Унинг ҳимматидан шу ҳисни туйдим.  
Тонг мусаффо отса кун ҳам нурафшон,  
Асрни эзгулик асрига йўйдим.

Эзгуликка макон жаҳон ичинда,  
Турфа гуллар билан безанганд бўстон,  
Ҳаваслар қўзғатур кўҳна очунда  
Шул қуёш ўлкаси ҳур Ўзбекистон.

Сенга пешвоз чиқди нурли истиқбол,  
Минг йиллик тонгидай қуёшдай балқиб.  
Йўлинг ниятингдай нурафшон, ҳалол  
Сенга янги аср муборак, халқим!

Янги минг йилликка нур билан кирдинг,  
Мен ҳам оташ меҳрим сенга атадим.  
Ёрқин тоғигда ёрқин илҳомлар бердииг,  
Кутлуг бўлсиз нурли асринг, Ватаним!

## ВАТАН САДОСИ

Гул кўнглинг тош каби қотмасдан туриб,  
Ҳали қўлинг қонга ботмасдан туриб,  
Имонинг долларга сотмасдан туриб,  
Менинг қўксимга тош отмасдан туриб,  
Тарих лаънат ҳукмин айтмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучоғимга ярашган болам!

Сен туғилган дамда қувонганим бор,  
Ширин орзулардан уйғонганим бор,  
Ҳар кун қаддинг күриб юпанганим бор,  
Сенга тақдиримни инонганим бор,  
Ишончим қүёши ботмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучоғимга ярашган болам!

Балолардан асраб, суйиб, ардоқлаб,  
Сенга ато этдим фаросат ва қалб,  
Карвондан адашган бұтага үхшаб,  
Бугун қәерларда юрибсан қақшаб,  
Ёвуздик захрини төтмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучоғимга ярашган болам!

Сени йўлдан урган бахти қаролар,  
Касби ғаламислик, кори—риёлар,  
Онасига ҳуриб, ёвга ёлборар,  
Шул эваздан рағбат, садақа олар,  
Ўшалар қавмига ўтмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучоғимга ярашган болам!

Аждодлардан мерос шу боғу роғлар,  
Бағрида ганжина сақлаган тоғлар,  
Бедаҳл сеники бўлгани чоғлар,  
Ғўрлик қилсанг ғаним ўзингни доғлар,  
Доғда қолиб, фарёд этмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучоғимга ярашган болам!

Жалолиддин насли,  
Темур авлоди,  
Эрк йўлида берган ёғийлар додин,  
Бу кун ҳурлик бўлгач Аллоҳ имдоди,  
Хоинни кечирмас аждодлар ёди.  
Хиёнат лойига ботмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучоғимга ярашган болам!

Билки, бир давлатда бир тахт, бир султон,  
Якто бўлар элга йўлбошчи ўғлон,  
Шу тахтни талашган уч-тўртта нодон,  
Ватани, ҳалқини сотурлар арzon,  
Сени ҳам ёвларга сотмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучоғимга ярашган болам!

Кўрдинг-ку, уларнинг кори фирибdir,  
Вос-восда шайтоний йўлга кирибdir,  
Ўзлари панада ишрат курибdir,  
Эргашган шўрликлар гўрсиз чирибdir,  
Бу қисмат ёқангдан тутмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучоғимга ярашган болам!

Гарангсиб шу йўлга қўйибсан қадам,  
Не тонг, хатоларда тобланар одам,  
Айбга иқор бўлиб, тавба қилган дам,  
Кесмагай эгилган бошни қилич ҳам,  
Эл-юрting нафрати ортмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучоғимга ярашган болам!

Мунис онангдирман -- Ўзбекистонман,  
Гарчи қилмишингдан зору нолонман,  
Кечирмоқقا мойил чин мусулмонман,  
Ўзим сенга имон, ўзим қалқонман,  
Қуфр ботқоғига ботмасдан туриб,  
Бағримга қайт, болам,  
Адашган болам,  
Басти қучогимга ярашган болам!



*ТУЛАН НИЗОМ,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири*

**ТУРКИСТОН – МЕНИНГ УЙИМ**

Туркистон — менинг уйим:  
Унда бор ҳаловатим,  
Роҳатим, саодатим,  
Тилим, адабиётим,  
Шеърим, қўшиғим, куйим.

Туркистон — менинг уйим:  
Аждодларимдан мерос,  
У — сенга хос, менга хос,  
Севганим рост, куйганим рост —  
Унда издиҳом, тўйим.

Туркистон — менинг уйим:  
Истиқдол, деб жўш урдим,  
Ҳумо қушга тўш урдим,  
Сўнг бағримга яширдим —  
Тоғ каби бастим, бўйим.

Туркистон — менинг уйим:  
Нур қалъаси Шошимда.  
Юртбошиси бошимда,  
Мехри бор қуёшимда,  
Эй юрак, қайна, суюн!

**МУҲАММАД АЛИ**  
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

**МЕН КИММАН**

Агар тўрт аллома бўлса дунёда,  
Шуҳрати ҳаволаб юрган самода,  
Буни айтмасам ҳам ҳамма биладир,  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир.

Агар тўрт шоирга тан берса олам,  
Шундоқ мартабага етишса калом,  
Буни айтмасам ҳам замон биладир,  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир.

Дунёда от сурди не-не саркарда,  
Манаман дегани бўлса агарда,  
Тўрттанинг ичида, башар биладир,  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!

Замонлар ўтадир санаб ҳар онин,  
Буюк давлат бўлгай Ўзбекистоним!  
Ўшанда боболар, Аллоҳ биладир,  
Ватан манглайида мудом бўладир!

**СОҲИБҚИРОН**

**1**

Ширин тушларимга кириб чиқади,  
Забт этмоқчи бўлиб кўхна дунёни,  
Қаршининг чўлига лашкар йигади  
Туркистонзамииннинг буюк ўғлони.

2

Машварат, кенгашу тадбирлар бўлмиш  
Давлат юмушининг тўқиз улуши.  
Фақат бир улуши қиличга қолмиш,  
Фақат бир улуши — уруш қиссаси.

3

Кўксарой ичига кирибди Шоҳрух,  
Ногаҳон бир динор топиб олибдир:  
“Хайрият, отамиз сарватидан бу...  
Бизга ҳам насиба, қисмат қолибдур”.

4

Сизни қотил, дедик, босқинчи, қайсар...  
Ажаб, ўйламадик, бир лаҳза локин:  
Бобомиз босқинчи, қотил бўлса гар,  
Унда биз кимдurmиз, бизлар киммиз, ким?

5

Ангора ёнида лашкаргоҳ тузиб,  
Ер билан бир бўлди Боязид жўмард.  
Наҳот ўз инимга кўл кўтардим, деб,  
Юрак-юрагингиз ўйиб олди дард...

6

Терек соҳилида қўшинлар саф-саф,  
Нотанти Тўхтамиш от солди йироқ.  
Наҳотки ўқ отдим ўз ўғлим тараф —  
Дебон қалбингизни ўртади-я оҳ!

7

Дедингиз: “Эй наслим! Ёлбор худога,  
Мен ҳам тилай ҳақдан кўнглингта мадад.  
Туркистон, деб жонни этгил садоға!  
Йўқдир жон бермақдан ортиқроқ шавкат!”

АГАР ЎҒЛОН БЎЛСАНГ...

Истиқдолинг буюк неъмат, юртдошим,  
Асли у жондан ҳам қиммат, юртдошим,  
Миллат байроғини қароғингдек бил,  
Мұхаббатга бўлсанг уммат, юртдошим!  
Ўғлон бўлсанг агар юртинг учун бўл,  
Курбон бўлсанг агар юртинг учун бўл!

Боғларимга зоғлар қўнмасин, дея,  
Истиқдолим шаъни сўнмасин, дея,  
Қулликдан кутилган юртингда қайта  
Истибдод уруғин унмасин, дея,  
Агар гирён бўлсанг юртинг учун бўл,  
Агар қурбон бўлсанг юртинг учун бўл!

Билсанг, Тўмарислар, Мангубердилар,  
Муқанналар сену мендек эдилар,  
Ётлар топтамасин тупроғимни, деб,  
Ўту оташларга тикка кирдилар!  
Сен-да посбон бўлсанг юртинг учун бўл,  
Агар қурбон бўлсанг юртинг учун бўл!

Кимнинг йўли бўлса Ватандан айро  
Бошига ёғилгай минг бир хил бало,  
Бундай қаро кунни, қаро қисматни  
Эгам бандасига кўрмасин раво!  
Агар осмон бўлсанг Ватан учун бўл,  
Агар қурбон бўлсанг Ватан учун бўл!

Юртингга омонлик тила Аллоҳдан,  
Ва асра ёмон кўз янглиғ балодан,  
Отанг шу Ватандир, онанг шу Ватан,  
Уни кам кўрмагил Маккатиллодан!  
Агар арслон бўлсанг Ватан учун бўл,  
Агар қурбон бўлсанг Ватан учун бўл!

Тортди не замонлар қуллик аламин  
Боболаринг юрти шул юрт, шул замин,  
Қулликдан қутиди абадул-абад,  
Уни ўзинг қўлла, Раббил Оламин!  
Агар сарбон бўлсанг Ватан учун бўл,  
Агар қурбон бўлсанг Ватан учун бўл!

## ҚУЛЛУҚ ҚИЛГИН

Элим, сенга толе насиб этган бўлса,  
Эрк сенинг-да қўлларингдан тутган бўлса,  
Аламларинг буткул ариб кетган бўлса,  
Ўзинг туққан даҳоларга қуллуқ қилгин,  
Соҳибқадам сиймоларга қуллуқ қилгин.

Остонангдан тинмай кирса баракотлар,  
Ҳақиқатга айлансалар хаёлотлар,  
Камолингга таҳсин айтса ҳатто ётлар,  
Ўзинг туққан даҳоларга қуллуқ қилгин,  
Ҳар сўзи пур маъноларга қуллуқ қилгин.

Фуссалардан эгик бошинг ғоз бўлса гар,  
Изгиринли қаро қишинг ёз бўлса гар,  
Уқубатлар битиб, умринг соз бўлса гар  
Ўзинг туққан даҳоларга қуллуқ қилгин,  
Йўриқлари расоларга қуллуқ қилгин.

Кут ёғилган самоларинг сокин эрса,  
Водийларинг, дарёларинг сокин эрса,  
Хаёлоту дунёларинг сокин эрса,  
Ўзинг туққан даҳоларга қуллуқ қилгин,  
Сени деган даҳоларга қуллуқ қилгин!

Қаро кўзинг қулиб турса, нам бўлмаса,  
Кўп балолар кўрган бошинг хам бўлмаса,  
Элбузарлар атрофингда жам бўлмаса,  
Ўзинг туққан даҳоларга қуллуқ қилгин,  
Собитқадам сиймоларга қуллуқ қилгин!

## МИЛЛАТ БАЙРОГИ

(қўшиқ)

Қора ўтмиш қолди ортда,  
Дориломон кунлар юртда,  
Мехр — кўзда, муҳаббатда,  
Порла, Миллат Байроғи!

Осмон тўла юлдуз — оппоқ,  
Бир-биридан чақноқ, бироқ —  
Ўн иккиси энг ярқироқ,  
Порла, Миллат Байроғи!

Мангулик ҳур йўлидасан,  
Ўнгидасан, сўлидасан,  
Озод халқинг қўлидасан,  
Порла, Миллат Байроғи!

**ВАТАН**

Бир куни ё майса, гиёҳ бўламиз,  
Шунда ҳам ҳолингдан огоҳ бўламиз.  
Шоир қаламингга сиёҳ бўламиз,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Ё ёмғир бўламиз, бўламиз шабнам,  
Майсалар кипригин айлагаймиз нам.  
Ногоҳ ҳазон мисол тўкилганда ҳам  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол,  
Сочларин дарёда ювса мажнунтол.  
Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Биз сингил, ё ини, ёки оғамиз,  
Бағрингда дарё ё тоғдек қоламиз.  
Фаним бошига тош бўлиб ёғамиз,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Кўксингда қулуналар бўлиб чопамиз,  
Арча бўлиб тоғлар бағрин ёпамиз.  
Бургут бўлиб, чўқцинг излаб топамиз,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Майли, тиканларинг қонатсин қўлим,  
Майли, изфириналар қилсинлар зулм.  
Сен рози бўлсанг бас, энажон элим,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Сендан хаёлда ҳам кетмаймиз нари,  
Онасини қучган фарзанд сингари.  
Сунг сўз ёзганда ҳам умр дафтари,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Туғинг нафасларин ичганда дунё,  
Ўзбек деган номга тўлганда само,  
Биз бағрингда ётиб, қилганча дуо  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!



## ЎЗБЕКИСТОН – ҲУР ДИЁР

Ўзбекистон – ҳур диёр, дунёга машхур диёр,  
Кучоги мисли жаннат, бағри тўла нур диёр.  
Эрам боғидан гўзал ушбу гулгун диёрга  
Фарзанд эканлигимдан бахтиёрман, бахтиёр.

Мустақиллик ихтиёр қилган диёр – ҳур диёр,  
Озод Ўзбекистон бу, эркин диёр, дур диёр.  
Турфа юртлардан гўзал нурафшон бу диёрга  
Фарзанд эканлигимдан бахтиёрман, бахтиёр.

Ўзбекистон – ҳур диёр, эли баҳт-иқболга ёр,  
Бундай элда яшашни ким қилмайди ихтиёр.  
Турфа юртлардан гўзал, роҳатижон Ватанга  
Фарзанд эканлигимдан бахтиёрман, бахтиёр.

Ўзбекистон – ҳур диёр, адолатли, зўр диёр,  
Юз миллату элатга бирдайин ғамхўр диёр.  
Минглаб юртлардан гўзал, жаннатмакон Ватанга  
Дилбанд эканлигимдан бахтиёрман, бахтиёр.

Ўзбекистон – ҳур диёр, дунёга машхур диёр,  
Бағринда Ошиқ Эркин, кўкси тўла нур диёр.  
Дўстларга меҳри пайванд шундай буюк Ватанга  
Фарзанд эканлигимдан бахтиёрман, бахтиёр.

## ЖОНИМ ФИДО

Оламни маҳлиё этган юртим, сенга,  
Шуҳрати чор тараф кетган юртим, сенга,  
Тўзонидан омон чиқиб асрларнинг,  
Ҳурриятга омон етган юртим, сенга  
То ҳаётман — жоним фидо, жоним фидо.

Ҳурлик буюк неъмат, уни сақламоққа,  
Истиқдол берган нон-тузни оқламоққа,  
Бахшидалар айлаб кучу қудратимни,  
Аллоҳ берган ҳур давроним ёқламоққа  
То ҳаётман — жоним фидо, жоним фидо.

Авлодимиз яхшиларнинг, аслларнинг,  
Зукколарнинг, не-не насаб-наслларнинг,  
Саноғи йўқ оз фурсатда бунёд этган  
Мустақиллик ато этган қасрларнинг  
Ҳар тошига жоним фидо, жоним фидо.

Ўзбекдурмиз — ўзга бекмиз, бағри кенгмиз,  
Юртимда юз миллат яшар — барча тенгмиз.  
Баҳрамандмиз қон-қардошлиқ, адолатдан,  
Гулгун чеҳра — бирга холмиз, бирга менгмиз.  
Наққошига жоним фидо, жоним фидо.

Юлдузли каҳкашон — парвозга шайлаган,  
Халқим суюб, ардоқлаб дилга жойлаган,  
Эркдан баҳраёб этган Ўзбекистонни,  
Ошиқ Эркинни ҳам баҳтиёр айлаган  
Юртбошимга жоним фидо, жоним фидо.

## ОНАНГ БЎЛАЙИН

Кунда ҳам, тунда ҳам, қаҳратонми, ёз,  
Меҳрингта энтикиб турган болангман.  
Лозим эрса сенга муҳаббат, эъзоз,  
Кўксимга яшириб Онанг бўламан.

Сочларим чигали ёзилган мисол  
Армонли дардларим тўкилган кезда,  
Ойнамга тушгандек қуёшдан тимсол,  
Узоқни кўраман ҳар кулган кўзда.

Бўйингдан ўргилай, ҳур Республикам,  
Шодликка ташна қалб сендан мавж олсин.  
Шундай қучайнинки, гўдакдек маҳкам,  
Қўлларим бўйнингда абадий қолсин.

## ТАСАННО

Юртимизда Ҳуррият порлаган қуёш бўлди,  
Забунликдан зах тортган бағирларга нур тўлди,  
Умрида кулмаганлар бу баҳтдан тўйиб кулди,  
Баракалла, ўзбегим, Ҳалқ деган довруғ олди!

Етти ухлаб бир тушга кирмаган даврdir бу,  
Янгидан туғилмоққа матонат, сабрdir бу,  
Ўзлигини танитган қиммату қадрdir бу,  
Аллома заковати жаҳон аро йўл солди...

Шаҳар, қишлоқ, водийлар кийдилар башанг либос,  
Келинчакнинг уйидек ярашди чирой, пардоз,

Эл меҳнатин ардоқлаб қалбим дейди, тинмай ёз,  
Чунки қуллик ва қуллуқ дилдан абад йўқолди.

Мустақиллик неъматин, нону тузини тотдик,  
Озодлик лаззатидан Ҳақ йўлимизни топдик,  
Гоҳ оҳиста, гоҳ шиддат, шахдам одимлар отдик,  
Халқимизга тасанно, довондан ўта олди!

Илоҳим қуёшимиз ҳеч замон тутилмасин,  
Душманлар ҳам дўст бўлиб, ҳеч қачон қутурмасин,  
Навқирон ёш Ватаним чопсину ўтирумасин,  
Юксакларга етмоққа баланду паст оз қолди...

Юртимизда Ҳуррият иккинчи қуёш бўлди.



## **ШУ КУНЛАР**

Мустақиллик бўлди мұяссар,  
Сууруимиз ўсди тоғ қадар.  
Байрам қилиб бу қутлуг дамни,  
Шукроналар айтиб, оламни —  
Дил оламин шавққа тўлдириб,  
Ёвни ўртаб, дўстни кулдириб,  
Вайрон юртни обод этмоққа,  
Яхши кунга тезроқ етмоққа,  
Ният қилиб ишламоқ учун  
Бизга нима етмайди бугун?  
Аммо қаранг, дунё ишини,  
Лол қиласи кўрган кишини:  
Товон олган каби эрк учун  
Тўқди элга мушкулот юкин.  
Мустақиллик ёқмаган зотлар  
Йўлга чиқди севиниб, додлаб:  
“Ана сизга кундай озодлик!  
Кимга керак бундай озодлик?!?”

Қўл учида кун кечиргандар,  
Эски хаёл билан юргандар,  
Сотқинларнинг сўзига учиб,  
Маломатли кўзига учиб  
Тош отишиб мустақилликка,  
Фазабини сочарди тикка.  
Қайси боққа тош отганин у  
Билмас эди. (О, ғофил туйғу.)  
Қорнинг тўқ бўлса ҳам, қафасда

Яшамоқ наҳотки ҳавасдир.  
Фурур қайда, ҳамият қайда?  
— Номусингдан менга не фойда!  
— Ё Тангрим, бу қандай маҳлуқдир?  
Бунга Сен имон бер, инсоф бер.

Мен кўрганман очдан ўлганлар,  
Оғир кунда дадил бўлганлар,  
Яхши кунга имон келтириб,  
Фарзандини суйиб, кулдириб:  
“Яхши кунлар келади, болам,  
Уйинг нонга тўлади, болам.  
Сабр қилгин, кўрарсан”, дерди,  
“Мени эслаб юрарсан”, дерди.  
Кўнгил тўғри бўлса агарда,  
Довдирамас оғир дамларда.  
“Эл ҳолини билмаган шоир,  
Ёзганлари хаёлга доир.  
Ўзи учун яшар. Шунинг-чун,  
Бизга таъна қилмоқда бугун”,  
Деб ўйласанг, келиб кўр. Не ғам,  
Не ташвишда яшар шоир ҳам.  
Менинг баҳтим эл озодлиги,  
Шу ўй билан дил ободлиги.  
Оғир кунлар ўтиб кетадир,  
Менинг баҳтим ана шундадир.

Қафасда тўқ яшашга қарши,  
Сохта “жаннат” ясашга қарши,  
Босқинчилар кутқуларига,  
Имонсизлик сотқуларига,  
Нафс ёвига қарши суриб от,  
Нодонликка бошласак жиҳод.  
Ватан куч ва қудратга тўлар,  
Турмуш тинчу фаровон бўлар.

Боболарнинг руҳин шод этиб,  
Келажакни доим ёд этиб,  
Озодликни асрасак омон,  
Шунда қолмас Ватанда армон.

## СОЯБОНИНГ, ДАВЛАТИНГ КЕЛДИ

Яна олам бўлди чароғон,  
Хонадонинг шодликка тўлди.  
Булут каби тарқади ҳижрон,  
Соябонинг, давлатинг келди.

Қадам қўйган баҳтингдан чўчиб,  
Кетди армон зоғлари учиб,  
Энди кулмас бағрингни чўқиб,  
Соябонинг, давлатинг келди.

Мехр-шафқат ипларин узиб,  
Ишонч кетган дил уйинг бузиб,  
Элим, тангри айлади насиб,  
Соябонинг, давлатинг келди.

Йиғла, тўйиб-тўйиб йиғлагин,  
Яхши дамни суйиб йиғлагин,  
Қўксига бош қўйиб йиғлагин,  
Соябонинг, давлатинг келди.

Талон қилди босқинчи боғинг,  
Ўчирай деб умид чироғинг  
Иқбол олиб суянган тогинг  
Соябонинг, давлатинг келди.

## КҮРДИК...

Күрдик бу асримизда  
Тозани ҳам, кирни ҳам,  
Ўз қавмимиздан чиқсан  
Ялмоғиз кампирни ҳам...  
Оролни тұлсын дея  
Жар солдик осмон қадар.  
Белин ингичка қылдик  
Амуни ҳам, Сирни ҳам.  
Сүзладик калла бұлак,  
Жағу жигілден бұлак,  
Худо бизга күп күрди  
Үнни эмас, бирни ҳам.  
Гоҳ тозига әргащык,  
Гоҳи бұлдик бозингар,  
Ағёрға дұст тутиндик,  
Оға, дедик, сурни ҳам.  
Үйламадик бизлар ким,  
Судраб босдик оёқни.  
Сийламадик, сийлансак,  
Ҳатто она ерни ҳам.  
Айланмоқда асримиз  
Хотираға, әртакка,  
Унугтандик бир замон  
Ҳазрати Хизрни ҳам.  
Күрдик бу асримизда  
Тұрани ҳам, ғүрни ҳам  
Болта берса, сопи-чи  
Биздан деган күрни ҳам.

Етар, бас, нола-фион,  
Ватан қолмас соҳибсиз.  
Аллоҳ бизга йўллади,  
Кўрган дея шерни ҳам.  
Дарё надир, гоҳида,  
Лойқаланган сой тошар,  
Кўзин очдик биз бугун,  
Нодонни, сўқирни ҳам,  
Бошимиздан не ўтди —  
Фақат Аллоҳга аён,  
Ватан дедик, ганидик  
Биз Амир Темурни ҳам.  
Бутун бўлса деворинг,  
Не балолар даф бўлгай.  
Элу улус бирлашса,  
Даф қилгай қусурни ҳам,  
Кўра-кўра чиниқдик,  
Чархи дунда чархландик.  
Ўзбек номин улуғлаб,  
Қаритдик асрни ҳам.

## БОБОМНИНГ ЎТИЛари

Болам, бу дунёning азал бири кам,  
Бир кам дунё деган буни боболар.  
Унинг тизгинида турган Темур ҳам,  
Нодираи даврон деган момолар.  
Уй бошқа, кўчанинг гаплари бошқа,  
Шундай давом этган тақдиди азал.  
Ҳатто Навоий ҳам тож кийиб бошга  
Ўксик юрак билан битгану ғазал.  
Кеча кўрганинг бу, энди кечаги,  
Ишониб яшагин, изингга, болам.  
Мақтасанг, чўпоннинг оддий кучуги  
Шер бўлиб кўринар кўзингга, болам,  
Билсанг, ҳар қишлоқнинг ўз тулкиси бор.  
Катта амакиси шайтони лайн.

Мудрасанг,  
Нолишинг айлайди бедор,  
Жарнинг ёқасига судрайди тайин.  
Йил нима?  
Ўн икки ойдан иборат.  
Ҳар йилнинг  
                  ўз оти бордир тақвимда.  
Ким қураган иморат,  
                  ким қилиар ғорат.  
Қочиб кутулмайсан  
                  бундай тақдимдан.  
Юрак бутун бўлса,  
Кўзинг тўқ бўлса,  
Домига тортмайди ҳавоий ҳавас.  
Тортса,  
                  эсингда тут,  
                  савдоий гўлсан,  
Устингдан кулади ҳар қандай мараз.  
Ёқанг очиқ бўлсин,  
                  тўйиб нафас ол,  
Тугмаси тиллоли ёқавайрон кўп.  
Кафтингга тикилиб  
                  очаверма фол.  
Сен она бешигинг,  
                  дарвозангни ўп.  
Остонанг бутунми,  
                  кетмаганми дарз  
Боболаринг қуриб кетган деворлар.  
Тушингда ҳам номард  
                  ўқимасин, дарс,  
Тандиринг ёқимасин асло беорлар.  
Унутма,  
                  тутатқи бўлгувчилар мўл.  
Ўт қўйиб кетарлар хонумонингга,  
Тоғларнинг бошига ёғса ҳамки дўл,  
Обиҳаёт йўллар дастурхонингга.

# ТУРСУНБОЙ АДАШБОЕВ

## ҚУЁШНИ ҚАРШИЛАБ

(*Топилжон Жалоловга*)

Бир танти йигит яшар,  
Кўркам Булоқбошида.  
Қуёшга ёндош, қўшни,  
Чилустуннинг қошида.

Таърифлашга сўз етмас,  
Унинг тупроқ, тошини.  
Тўпори, танти ошнам,  
Даласидан ошиниб.

Ҳар уйга ўн биттадан  
Болор — тўсин санатиб,  
Қурди шинам иморат,  
Кун чиқарга қаратиб.

Барча ўзбеклар каби,  
Унутмади синчини.  
Сақлаш керак офатдан,  
Хонадоннинг тинчини.

Набиралар бир этак,  
Жўжабирдай аҳил жон.  
Парвонадир момоси,  
Бобоси ҳам гиргиттон.

Ором нима билмайди,  
Толиқмайди юмушдан.  
Елкада тўн елвагай,  
Соч-соқоли кумушдай.

Күёшга пешвоз уйга,  
Нур тўкилар парпираб.  
Саховатли дехқондай.  
Пешонаси ярқираб.

Чунки пок ният билан,  
Офтобни қаршилайди.  
Кўп қатори элига,  
Фақат тинчлик тилайди.

Кунга қараб очилар  
Дарвозаси, дарчаси.  
Бу ҳовли юртимизнинг  
Файзли, кичик парчаси.

### **ЗАР УҚАЛИ**

Мустақиллик — нондай азиз,  
Мўътабардир, буюkdir.  
Бобоси ҳам ирим билан,  
Муқаддас деб қўйибdir.

Пахтадай пок, сутдайин оқ,  
Имондайин у тоза.  
Бегардликка қиёс қилсак,  
Болакайлар андоза.

Кўк беғубор, товланади —  
Етти рангли камалак.  
Ҳумо қуши қўнди бошга,  
Зар уқали жамалак.

Орзулари бир дунёdir,  
Интилади қёшга.  
Бу йил кузда Муқаддасхон,  
Тўлар роса ўн ёшга.

## ЎЗБЕКИСТОН

Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар  
Айтсам, ҳар товшимдан сачраб чиқар чўғ.  
Ҳар товши қўксимда Тангритоғ тиклар,  
Дунёда бундан-да гўзал унвон йўқ.

Фақат шу унвон деб куйса бўлади,  
Фақат шу арзийди одам жонига.  
Байроқ каби қадаб қўйса бўлади,  
Ёлғиз шу унвонни юрак ёнига.

Кўзёш билан келар ҳақиқий шодлик,  
Йиглаб қувонаман, халқим, баҳтингдан.  
Гўрӯғли кўринар ҳар битта отлик,  
Куёшлик излайман тола ёқтингдан.

Эркнинг жон сувидан ҳовучлаб олиб,  
Ҳар битта ўзбекка сепгим келади.  
Ўзбеклигим учун ўзгалар қолиб,  
Ҳатто ўзимни ҳам ўпгим келади.

Ҳур миллат нишонда турари мудом,  
Уйғоқ бўлмоғи шарт ичи ҳам тоши.  
Кўзимни очиқ тут, э қодир Худо,  
Кувончдан айланиб қолмасин бошим.

Озод Ўзбекистон озод ўзбеклар,  
Ҳар товши бир шунқор — ушлаб турар туғ.  
Шунқорим, туғингни баландроқ тикла,  
Дунёда бундан-да яхши унвон йўқ.

**ВАТАН СОТИЛМАС**

Шоҳини, кимхобни, бўзни сотарлар,  
Энг муқаддас неъмат – тузни сотарлар,  
Тенгини топдик, деб, қизни сотарлар,  
Ватан сотилмайди, Ватан сотилмас.

Бировлар кўшк учун кўркини берар,  
Бировлар ишқ учун эркини берар,  
Белда белбоғ, бошда бўркини берар,  
Ватан берилмайди, Ватан берилмас.

Лақмалар рақибга сирин беради,  
Мақтаса уйининг тўрин беради,  
Ботирлар юртга кўз нурин беради,  
Ватан берилмайди, Ватан берилмас.

Юраги юпунлар иймонни сотар,  
Бошин йўқотганлар замонни сотар,  
Душманига ўку камонни сотар,  
Ватан сотилмайди, Ватан сотилмас.

Шоҳлар Ватанни деб кўп тадбир кўрган,  
Сулҳ учун мол-мулк, қўй-қўзини берган.  
Етмаса синглиси, қизини берган,  
Ватан берилмагай, Ватан берилмас.

Эвазига ширин жонлар кетади,  
Томирни куйдирган қонлар кетади,  
Энг ширин, энг гўзал онлар кетади,  
Ватан кетмас фақат, Ватан қолади.

Ботири бор элат ёвга эгилмас,  
Кўрқоқлар қавмидан ботир туғилмас,  
Юртини севмаган ўғил — ўғилмас,  
Ватан занжирланмас, Ватан бўғилмас.

Ватан сотилмайди, Ватан сотилмас.



## **ХАЛҚИМ**

Тұғонларда күп замон  
Қалқан үзбек,  
Баридан ўтиб омон,  
Балқан үзбек.

Ниҳоят ориятинг  
Минди отга,  
Айланди эрк — ниятинг  
Эътиқодга.

Қайтди яна султонлик  
Ва беклигинг.  
Қайтди юксак унвонлик —  
Ўзбеклигинг.

Бошингга, баҳтинг борки,  
Ҳумонг қўнди.  
Тутинган оғанг борки,  
Ётга дўнди.

Аждодларинг боғланур  
Тур тогингта.  
Тангридан ёғилган нур  
Тупроғингга.

Сенга шарҳ — кўҳна тарих  
Ичра яшар.  
Шоҳид — оқ, қора, сариқ —  
Уч ранг башар.

Шундан бебаҳолигинг,  
Теран ақлинг.  
Бор бўйи даҳолигинг,  
Бунга ҳақлим!

Яшагай мангу азим  
Туркий шажар.  
Эй башар, унга таъзим  
Урфин бажар!

Ким оқладардир, тузинг  
Кўр қилажак.  
Манглайин холис қўзинг  
Шўр қилажак.

Авайлашни бил, халқим,  
Ўзинг энди.  
Яна зийрак қил, халқим,  
Кўзинг энди.

Эрк байроғин баланд тут  
Қадоқ қўлда.  
Омад пайғомларин кут  
Порлоқ йўлда.

Курашда камарбаста  
Ўғлинг ўзим.  
Ким сенга бўлса қасдда —  
Ўқдир сўзим!

## ЎЗБЕКЛИК

Қалдирғочнинг ини бўлса  
Кимнинг уйи шифтида,  
Одамийлик — дини бўлса,  
Вафо бўлса жуфтида,

Унга бўлиб дилдан шайдо,  
Ўзбек, де, йўқ хатоси.  
Тур тоғидан бўлган пайдо  
Ери — тангрим атоси.

Аждодидан қонга юққан  
Феъли бўлар, зеҳни-да.  
Номусидан бичиб тиккан  
Тўни бўлар эгнида

Тирик экан, сувга ташлаб  
Қўймас қора қозонин.  
Ногоҳ Аллоҳ кўнглин ғашлаб,  
Faфлат ютмас азонин.

Бир иш қилса, кўз кўрсинга,  
Қўл учida қилмайди.  
Хаёлдадек гар хўрсингай —  
Хотини ҳам билмайди...

Кўзи тўғри дилга боқар,  
Кўрган дўстнинг кўпини.  
Кўнглидаги чангни қоқар  
Қоққанида дўппини.

Лоф айтмоқдан унга, қайтинг,  
Хуш кўрмайди чўпчакни.  
У ҳеч кимдан, айтинг-айтинг,  
Силкимасин этакни.

Содда ҳамки, баланд ори,  
Омон бўлгур ўзбекнинг.  
Тўпоридир, бор омбори  
Донга тўлгур ўзбекнинг.

Ўзин ургай ўт-сув демай,  
Юз томонга — бошини.

Элга бергай ўзи емай  
Топган нону ошини.

Унинг қизи ҳақидадир  
“Будли-шудли” — таърифи.  
Фарзандларга ақидадир  
Ота сўзи — шарифи.

Дуодаман эртаю кеч,  
Халқим руҳи толмасин.  
Ниятим шу: ўзбегим ҳеч  
Ўзбекликдан қолмасин!



## **БУ КУНЛАР**

Йиллар ўтиб шу буюк элда  
Ўз баҳосин олар бу кунлар.  
Ҳурман, деган ҳар битта дилда  
Ажиб созни чалар бу кунлар!

Шафақ ёнар уфқда ял-ял,  
Биз тонгларни кутамиз маҳтал.  
Эл ёруғ тонг — Истиқдол, аввал  
Сени ёдга солар бу кунлар!

Қайтмас энди қуллик, ҳасрат, оҳ,  
Элим, бунга ўзингсан гувоҳ,  
Юргурун кўрибми — гоҳ-гоҳ  
Ҳаяжондин толар бу кунлар!

Набиралар кўзида ҳавас,  
Энтикарлар — эслаб бир нафас...  
Бизлар учун шунинг ўзи бас,  
Тарих бўлиб қолар бу кунлар!

## **ИСТИҚДОЛ**

Менинг фарзандим бор — жажжи, олти ёш,  
Кўзимни кувнатар қадди-ниҳоли.  
Кўнглимнинг тубида ярақлар қуёш,  
Товланса хаёлда унинг иқболи.

Кулгулари ширин, тиллари бийрон,  
Ҳар тонг теваракка боқар ҳайратда.  
Тушунмас, астойдил бўлар у ҳайрон,  
Гоҳо қўрса мени ғамда, ҳасратда.

Онаси жонҳалак, мен тунлар бедор,  
Уни ардоқлаймиз, дардан аяймиз.  
Зинҳор оғримасин, оғриса бир бор,  
Мингта жонни узиб бермоқча шаймиз.

Дунёда шум ният, разолат қат-қат,  
Бемаҳал тасодиф бермасин фириб...  
Унинг камолини ўйлаймиз фақат,  
Емайин — едириб, ичмай — ичириб.

Ҳали бўй чўзар у, улғаяр дуркун,  
Умидdir азалдан — томирдаги қон.  
Не ажаб, довруғлар таратиб бир кун  
Бўлиб етишса у комил, чин инсон.

Бу кун юртда — сурур, тараддуд элда,  
Муazzам туйғулар дилни этар лол.  
Мен-чи, ушбу онлар ўхшатгим келди  
Жажжи фарзандимга сени, Истиқдол!

Мен боламга юрак меҳримни бергум,  
Сени-чи, ер-кўкка ишонмас Ватан.  
Ҳар кимга зурёди азиздир, лекин  
Аён ҳақиқатни олмоқ керак тан.

Менга ўз фарзандим суюкли, бироқ  
Сен халқча минг чандон суюкроқдирсан.  
Мен бола баҳтидан қувонмай ҳар чоқ,  
Сен толеи улуғ, буюкроқдирсан!

**АБДУСАИД КЎЧИМОВ**

**ВАТАН ЯГОНАДИР**

Пайдо бўлибдики бу кўҳна дунё  
Замину фалақда янграр бир нидо.  
Олам тусланар,  
У турланмас асло:  
— Ватан ягонадир!  
— Ватан ягона!

У сенинг мужгонинг, қарофинг, кўзинг,  
Орзу ормонинг, у — айтар сўзинг.  
Имонинг, виждонинг, у сенинг ўзинг.  
Бобонг у, момонг у, у — мунис она,  
— Ватан ягонадир!  
— Ватан ягона!

Ёнарми пилиги чириган чироқ?  
Яшнарми бандидан узилган япроқ?  
Фақат киндик қони тўкилған тупроқ —  
Инсонга муҳташам қўрғон — кошона,  
— Ватан ягонадир!  
— Ватан ягона!

Кимки кўп ватанини қилибди даъво,  
Имон, эътиқоддан бўлибди жудо.  
Унинг ватани йўқ!  
У — ватангадо!  
Ватангдоларга ватан бегона,  
— Ватан ягонадир!  
— Ватан ягона!

Қўш кемани тутган хор бўлар бир кун,  
Бир қатра меҳрга зор бўлар бир кун,  
Алангага қўнган қор бўлар бир кун,

Ватаним, жонингга жоним қурбон-а!

— Ватан ягонадир!

— Ватан ягона!

Ягона юрт дея олурмиз нафас,

Шу юртга фидодир бор орзу-ҳавас,

Юртим! Қайси фаним сенга қилса қасд,

Унга мозор бўлгай ҳар бир остона,

— Ватан ягонадир!

— Ватан ягона!

## ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОГИ

Озод мамлакатимнинг муҳташам қўргонида,  
Исёнкор боболарим пок руҳида — жонида,  
Турон, қадим Туркистон, улуг турк осмонида,  
Камалакдек товланар истиқлолим маёфи —  
Ўзбекистон байроби, Ўзбекистон байроби!

У адолат, коинот, обиҳаёт тимсоли,  
У эзгулик, шон-шухрат, баҳт-саодат тимсоли,  
Буюк Амир Темурнинг голиб туғи мисоли,  
Камалакдек товланар истиқлолим маёфи —  
Ўзбекистон байроби, Ўзбекистон байроби!

Тинчлик, тириклик эрур мовий, яшил, оқ ранглар,  
Чақноқ ўн икки юлдуз шамолларда жаранглар,  
Эрк қўшиғи навқирон ярим ойда жилвагар,  
Камалакдек товланар истиқлолим маёфи —  
Ўзбекистон байроби, Ўзбекистон байроби!

Бундай ялов қайда бор, бундай ялов бизга ёр,  
Уни сарбаланд тутсак бизники нурли диёр,  
Она халқим баҳтини жаҳонга қилиб ошкор,  
Камалакдек товланар истиқлолим маёфи —  
Ўзбекистон байроби, Ўзбекистон байроби!

## ВАТАН МАДҲ ЭТИЛСА, ЖЎР БЎЛСИН ЮРАК

*Tўртликлар*

Ватан деб энг гўзал шеър битмоқ керак,  
Ватан мадҳ этилса, жўр бўлсин юрак.  
Ватан-чун жонини тикиди Қодирий,  
“Нафсингни тий бироз” — сендан шу тилак.

\* \* \*

Ватан осмон эса, ким унда Чўлпон,  
Кимдан тун мунаввар, кундуз чароғон.  
Йикқанинг лаҳадга олиб кет, майли,  
Фақат булут бўлма, соф турсин осмон.

\* \* \*

Шубҳасиз, Ватан бой ғазнадир, лекин  
Ғазнага қўл чўзиб, ўмарма текин.  
Ҳалол, холис меҳнат қилганни кўрсанг,  
Бир оз ўпкангни бос, озгина чекин.

\* \* \*

Жирканманг қумғондан “қора” деб исмин,  
Меҳнатин баҳоланг, боқмай сиртига:  
Ҳар куни оловга тутганча жисмин,  
Ҳалол хизмат қиласар элу юртига.

\* \* \*

Тўрт кишига раҳбарлик ҳам балки бир шараф.  
Мисол учун бошмалдоғинг бунга мушарраф:

Ошга томон қўл чўзилса, кейинроқ борар,  
Ишда эса тўрт бармоқ бир, ўзи бир тараф.

\* \* \*

Курсига ўтиранг, ўзингни ўйлаб,  
Давлатни унутсанг, порани пойлаб,  
Тўпласанг яқининг мансабга жойлаб,  
Наҳот чўпон зарур, турса “ҳой-ҳой”лаб?

\* \* \*

Ватаннинг тақдирин унутиб бўлмас,  
Ҳар ким ўлар бир кун, Ватан-чи? Ўлмас!  
Қанча буюк зотлар ётар бу юртда,  
Ҳолбуки, хокингдан ҳовуч ҳам тўлмас.

\* \* \*

Тангри умр берди имкон тарзида,  
Синовдан ўтсин деб инсон тарзида.  
Инсон туғилдингми — инсондай яша,  
Ё наҳот кетарсан шайтон тарзида?

\* \* \*

Мевали дарахтга отадилар тош.  
Ишқилиб, дарахтга — мўл сабру бардош.  
Тошотар тошидан ҳайиқиб балки,  
Анча нарироқдан айланар қуёш.

\* \* \*

“Она!” деб милён бор қилсанг-да нидо,  
Дийдорин қўмсашинг бўлдими адо?  
“Ватан!” — такрор этсам, сийқа демагин,  
Онасиз ғарибу беватан — гадо.

ОҚСАРОЙ

(қасида)

1

Тошкентнинг қоқ ўртасида Оқсарой,  
Кундуз қуёш қўниб ўтар, тунда ой.  
Чуқур дарё кўригандек сиртдан тинч,  
Теграсида улуғвор бир сокинлик.  
Ичкарида мамлакатнинг юраги  
Элим, юртим дея ёниб уради.  
Миллат дарди, юрт қайғуси, эл тинчи —  
Шудир шараф унвонига элтувчи.  
Тасодифан озор чекса эл агар,  
Оқсаройни ўртаб ўтар энг аввал.  
Кувонч қуши учса қай бир гўшадан,  
Оқсаройга келиб қўнар ўша дам.  
У Озодлик авлодига бошпана,  
Дунёга йўл Оқсаройдан бошланар.  
Остонасин йўқлаб келар, ҳар бобда  
Жаҳон ичра донг таратган арбоблар —  
Президентлар, қироллару поишшолар,  
Ўзбекдай мард дўст қидирган пешволар.

2

Оқ уий ё Оқсаройи тожи сар,  
Огоҳ этар элу юрт ривожидан.  
Замон бўлди Соҳибқирон замони,  
Кеңшида бино этди ажиб бинони.  
Осмонга бўй чўзди улкан қўш равоқ,  
Кенг ҳовлиси тоштахтали оқ, равон.  
Деворлари зар, ложувард кошиндан,

На мағрибда, на бор Чину Мочинда.  
Қачонки юрт ўз эркини берди бой,  
Атиргулдек сұлди ғұзал Оқсарой.  
Кошинлари күз ёшидай түкилди,  
Расо қадди ёй мисоли букилди.  
Яна ҳурлик кирди оро жонига,  
Малжам қўйди заха-яра танига.  
Аммо руҳи учди Тошкент томонга,  
Зап киройи кўрк берай деб замонга.

### 3

Пойтахтнинг қоқ ўртасида тикди қад,  
“Қуббат ул-истикъол” эрур то абад.  
Меъмори Юртбоши, тенғсиз маҳорат,  
Ҳар нақлида ўзбекона тароват.  
Лойи меҳр суви билан қорилмиш,  
Саратон — танурда пишган ҳар бир гишт.  
Оқиши мармар, яшил тошдан устуни,  
Юрт осмони безаб турар устини.  
Руҳинг қушдай енгил тортар, босма юқ,  
Бир зал мовий, бири зангор, бири қўқ.  
Шифтларидан шаффоф зиё сочилар,  
Ул бирида нилий осмон очилар.  
Қибла томон қараб турар пештоқи,  
Саҳни чаман: яшил, қизил, пистоқи.  
Қўш қаноти бир-бирига вобаста,  
Парвозга шай лочин дейсиз ҳавасда.  
Тож зийнати ёқут каби ярқираб,  
Манглайида Ватан герби барқ урар.  
Амир Темур дубулғаси мисоли,  
Оқ қуббаси шонли ўтмиш тимсоли.  
Ҳур-ҳур еллар эсиб ўтар осуда,  
Юрт байроби ҳилпираиди бошида.  
Этагида қадим Анҳор жўш уриб,  
Куйлаб оқар абадият қўшигин.

Ватан шаънин шарафлар эл-улуси,  
 Кимлар учун юрт рамзиdir Елисей.  
 Кимлар Оқ уй деса тикар жонини,  
 Авло кўрап фуурини, шонини.  
 Даунинг стритни борми билмаган,  
 Инглиз сўз айтар унинг номидан.  
 Император саройидан кетса гап,  
 Япон боқар сакурадай гул яшнаб.  
 Не бахт, мен ҳам аён этиб ҳаддимни,  
 Сўз айтаман мағрур тутиб қаддимни:  
 Замонга боп иморатдир Оқсарой,  
 Эркимизга ишоратдир Оқсарой.  
 У ўзбегим дўпписидай бекиёс,  
 Она халқим тийнатига хосу мос.  
 Үнда озод миллат руҳи мужассам,  
 Ҳам шавкати, ҳам шукуҳи мужассам.  
 Дунё йўли макон тутган қароргоҳ,  
 Ватанимда Каъбам менинг шу даргоҳ.  
 ... Тошкентнинг қоқ ўртасида Оқсарой,  
 Кундуз қуёш қўниб ўтар, тунда ой!

## ВАТАНГА МАНСУБЛИК

Баногоҳ чўққидан  
 қуласа бир тош  
 Тоғ пойига тушар, тоғни тарқ этмас.  
 Эт билан тирноқдек  
 бир жону бир тан  
 Ватандан яралган Ватандан кетмас.

Куёшга интилган  
 ҳавоии буғлар  
 Баланд парвозларни қилса ҳам ҳавас,  
 Бир кун қайтиб келар

ўкириб-йиғлаб,  
Ватандан яралган Ватандан кетмас.

Шашмақом — минг йиллик  
наво, муаттар,  
Очсам күкайимни янграр қадим сас.  
Авлодлар туғилар,  
аждодлар ўтар,  
Ватандан яралган Ватандан кетмас.

Улуғлар юксалар  
ер остида ҳам,  
Ҳайкал бўлиб ўсар, эли унутмас.  
Шаҳидлар боғидан  
куйлаб ўтаман:  
Ватандан яралган Ватандан кетмас.

Тошдан учган учкун  
ялт этиб ўчар,  
Ўчган чўф қайта ўз ҳолига келмас.  
Чопонинг силкисанг  
губори кўчар,  
Ватандан тўкилган Ватандан эмас!



## ЎЗБЕКИСТОН БОШҚАЧА...

Қанча иқлим, қанча юрт бор дунёда,  
Ҳаммасиям бир-биридан зиёда,  
Бири отлиқ эса, бири пиёда,  
Лекин Ўзбекистон бошқачадир,  
Бу гулистон бошқача.

Жумла элнинг бордир сойи, дарёси,  
Бордир даشتни, бордир тофу дараси,  
Ранглари кўп, бордир оқу қораси,  
Лекин Ўзбекистон бошқачадир,  
Бу гулистон бошқача.

Гарчи ҳар ўлканинг ой, қуёши бор,  
Гарчи чараклайди тиник, шуълавор,  
Аммо у ҳаммани илитмас бекор,  
Ахир Ўзбекистон бошқачадир,  
Бу гулистон бошқача.

Хорижда “ҳамشاҳрим” учратсан бир кун,  
Деди: “Кур эканман, ҳолим кўп забун,  
Эсиз, юртим!” — дея йиглади хун-хун.  
Ахир Ўзбекистон бошқачадир,  
Бу гулистон бошқача.

Аллоҳнинг назари тушган Ватан бу,  
Қуёш иймон нурин эмган гулшан бу,  
Мевасидан шакар томган чаман бу,  
Ахир Ўзбекистон бошқачадир,  
Бу гулистон бошқача.

Дунёнинг шаҳри кўп, лек Ҳивоси йўқ,  
Бобо Самарқанду Бухороси йўқ,

Имом Бухорийдек авлиёси йўқ,  
Дунё — Ўзбекистон бошқачадир,  
Бу гулистон бошқача.

Нур сочади бунда бирлик маёфи,  
Қанча эл бор, қанча элат — ўртоғи,  
Ҳилпирайди бошда Ҳурлик байроғи,  
Она — Ўзбекистон бошқачадир,  
Бу гулистон бошқача.

Очиқ бўлсин унинг нурли самоси,  
Чорлайверсин дўстларни куй-навоси,  
Омон бўлсин Юртбоши — раҳнамоси,  
Бу гулистон бошқачадир,  
Ўзбекистон бошқача!

## КЎРДИМ

Аё дўстим, бугун кўнглинг кошона кўрдим,  
Фаму ҳасрат, надоматдан бегона кўрдим.

Самоларни ўпид юрган кабутар мисол,  
Хаёлингни жон кушидай парвона кўрдим.

Маҳлиёлик гулларгами, гулгунларгами,  
Оинадай нигоҳингни фарзона кўрдим.

Сабо сени уйғотдиму ё сен сабони,  
Тилларингда савту наво, тарона кўрдим.

Демам: роҳи равонингда ағёрлар йўқ деб,  
Йўлингга дом кўйгувчини девона кўрдим.

Уйинг асра, ўзинг асра, элинг асрагин,  
Истиқлолнинг шан-шукуҳин дурдона кўрдим.

Эй, Аҳмадий, дўст қувончи қувончинг сенинг,  
Ўзбекистон деган юртни нурхона кўрдим.

## АЛҚОВ

Бир майин шамоллар эсиб қолдилар,  
Булутлар осмондан безиб қолдилар,  
Куртаклар құшларни сезиб қолдилар,  
Гулларга құмилди гулгун маконим,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

Тоғларни уйғотган ўжар шалола,  
Күклам байроғини күтарған лола,  
Дунёни варрак деб юргурған бола  
Менинг жоним эрур, менинг жаҳоним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

Кимлардир тирқищдан сизиб чиқди-ку,  
Буйнини эркимга чўзиб чиқди-ку,  
Кўлидан милтиқлар ўсиб чиқди-ку,  
Милтиққа айланған кўллар — армоним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

Лекин кўкламдан сўнг келарми ҳеч қиши  
Мачитга олинмас сағанадан фишт,  
Қарғалар дунёси қайтмагайдир: “Кишт!”  
Булбуллар маскани булбулистаним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

Мангулик алқагай ёш дамларингни,  
Юлдузлар санагай қадамларингни,  
Қуёшга менгзарлар одамларингни,  
Сурурим, гурурим, шавкатим-шоним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним.

Алдамчи ўйларни сўзга йўлатмай,  
Баҳорга чиқдик биз, дўстим, тўлат май, —  
Ҳар умр иқболга битта йўлакдай,  
Яшнасин, яйрасин дориламоним,  
Баҳорнинг синглиси Ўзбекистоним!

### ТАРЖИМАИ ҲОЛИМГА ЧИЗГИ

Кўрдим, аср ўртасида келиб дунёга,  
Тарихларда учрамаган тангдил замонни:  
Ўхшар эди ҳаёт худди бир хил рўёга,  
Битта ҳайкал қопламишди ҳамма майдонни.

Кўриб рангин капалакнинг чарх уришини,  
Мен билмасдим, бу қанотдан пайдо бўлган курт  
Гўзал ҳилқат томирини кемиришини,  
Куртларга ем бўлишини мушфик она-юрт.

Оҳ, бу алдов! Сувратдаги ўлик қуёшнинг  
Осмони бор, тафти бор, деб ўрганган алдов,  
Бўйнимдаги чўян фулни холис қардошнинг  
Мехр тўла кафтидир, деб ўрганган алдов!

Гарчандки, мен кўп тилларни билсам ҳам, лекин,  
Бундай қисмат баёнига тополмадим тил;  
Янги қадаҳ, эски оғу... Сипқориб секин  
Мутеликнинг шаробидан заҳарланди эл.

Кулранг танклар ҳайдаганда Афғонистоннинг  
Баҳорини яшолмаган шудгорларини,  
Ўн саккизда “Онажон!” деб узилган жоннинг  
Мен тингладим манга тирик оҳ-зорларини:

“Мен босқинчи милтифида оддий ўқ эдим,  
Душманим ҳам тушмасин-а, ҳатто бу ҳолга!..”  
Тингладим-у, барин англаб, лаънат ўқидим  
Охир замон бўлмасидан чиқсан Дажжолга!

Мен орзунинг товуш етмас ўлкаларига  
От кўйдим-у ёруғ кунни топай деб бот-бот,  
Лекин темир дарвозалар кўлкаларида  
Дариф тутди қуёшини мустабид ҳаёт.

Аму билан Сирдарёга тўкиб ёшимни,  
Икки дарё үзанига тўлиб йигладим.  
Кўтаролмай алдовлардан эгик бошимни,  
Кулликдаги Ўзбекистон бўлиб йигладим.

Аммо, хазон тагларида ўсган майсалар  
Сарин баҳор елларига айтганидек роз,  
Мен куйладим осмон каби Эркни сарбасар,  
Юлдузларнинг шуъласидан эланиб овоз.

Боғларимнинг тагларини босганда шўра,  
Насим бўлиб гуллар бўйин елдирай, дедим.  
Вақт келганда зарур сўзни айтгандан кўра,  
Зарур сўзни айтиб Вақтни келтирай, дедим.

Кечмишимни улуғладим, эртам деб ёндиним,  
Мен замона лаззатидан кечиб яшадим.  
Бахти қулга ажратилган неъматдан тондим,  
Тантаналар рўйхатидан учиб яшадим.

Дил кишанин чўрт узганда ҳар бир байтимки,  
Кулхўжалар титраб-қақшаб, кўкси бўлди чок.  
Эрк сўзини шундай овоз билан айтдимки, —  
Ҳатто бугун сукутимга боқарлар хавфнок.

Бугун, шукр, эски дунё тўнгакларидан  
Четта олди қоматини ям-яшил ниҳол.  
Чўлпонлару Қодирийлар сўнгакларидан  
Униб чиқди ҳур Бинафша, гўзал Истиқлол.

Демак, ғамнинг соясига айланма, юрак,  
Чарақлайвер, эй очилган кўзларим менинг.  
Эрк кунига, Юрт кунига ярайсиз, демак,  
Ҳали шеърга айланмаган сўзларим менинг.

## *ИКРОМ ОТАМУРОД*

\* \* \*

Кангул ришталари тоб ташласа гар,  
Гардун меҳварига дарз кетса сар-сар,  
Меҳр тафтларидан яралган гавҳар —  
Ватан, кангулларда меҳрга айлан!

Қалблар бир-бирининг пайваста, хеши,  
Софинар, қайрилар қалб торин эшиб,  
Қадр иззатлари улғайган бешик —  
Ватан, кангулларда қадрга айлан!

Қадим садоларнинг томирларида  
Оққан мардоналиқ бўлмасин майда,  
Фуур шонлари бўй тортган дийда —  
Ватан, кангулларда фуурга айлан!

Сабр саболари элайди сабот,  
Ҳидоят кишварин синови бот-бот,  
Имон нурларидан зарфун муножот —  
Ватан, кангулларда имонга айлан!

Покиза ҳис бўлиб дилларга кўчгин,  
Рұҳият арконин руҳларин қучгин,  
Жон күшлари куйиб соғинган очун —  
Ватан, кангулларда Ватанга айлан!

Ватан... кангулларда... Ватанга... айлан!..

\* \* \*

Касби кулоли ясаган қўзанинг  
сувлари зилолдир,  
сувлари зилол.

Қўмилган руҳимнинг ўзани —  
кесилган ҳилол.

Кимгадир туюлар — парча лой,  
кимгадир беписанд туфроқ — тан.  
Қарайман,  
бағридан олган қанча жой,  
садо берар қанчалаб Ватан.

Қайта-қайта қарайман,  
айлантириб —  
ҳисларимнинг томири тизлар.  
Кетади хаёлимни бойлантириб,  
бўйнига туммордек бойланган излар.

Қатқалоқ кафтларнинг тафтини ҳўплаб —  
Касби туфроғида палак ёйган гул.  
Ўтган-кетганида бир фасл тўхтаб,  
chanqofinи босар  
ундан ҳорғин йўл.

Касби кулоли ясаган қўзанинг  
сувлари зилолдир,  
сувлари зилол.  
Қўмилган руҳимнинг ўзани —  
кесилган ҳилол.

**АВЛИЁЛАРНИНГ ЮЗИ  
СЕНИНГ ЮЗИНГДИР, ВАТАН**

Бухорога нур-зиё келди,  
Иймон келди, шарм-ҳаё келди.  
Бухорони зулмат этди тарк,  
Бухорога Бухоро келди.

Нақшбандни қувганлар кетди,  
Қуръонни-да ёқданлар нетди?  
Бари бадном бўлди-ю ўтди,  
Бухорога Бухоро келди.

Эй Бухоро! Оқ сочли онам,  
Сен муқаддас Маккам, Мадинам!  
Таърифингга ожиздур қалам,  
Бухорога Бухоро келди.

\* \* \*

Сенга қўл кўтарганинг  
Қўллари қуримасми?  
Сенга хиёнат этган  
Аслида бўримасми?

Сени кўролмаган кўз  
Кўр бўлмасми оқибат?  
Сен валийлар маскани,  
Сенда бор руҳий қудрат.

Юзингга оёқ босган  
Юзлар қораяр шу дам,  
Авлиёларнинг юзи  
Сенинг юзингдир, Ватан!

**АДОЛАТНИНГ ТИМСОЛИДИР  
ЮРТБОШИМИЗ**

Аслин олса барчамиздек битта жондир,  
Яратгандан миллат учун нур, эҳсондир,  
Эл-юргига ҳар бир лаҳза фидо жондир,  
Матонатнинг тимсолидир Юртбошимиз.

Ҳур диёрда боғу бўстон яратди, рост,  
Эътиборин эзгуликка қаратди, рост,  
Ватан шонин дунё узра таратди, рост,  
Саодатнинг тимсолидир Юртбошимиз.

Қадрин тиклар ўтган қанча буюкларни,  
Толикмасдан даст кўтаргай зил юкларни,  
Истиқлолдан қурди азим кўприкларни,  
Шиҷоатнинг тимсолидир Юртбошимиз.

Ўзбекистон келажагин порлоқ кўрди,  
Ҳар бир ишда халқи билан кенгаш қурди,  
Бутун жаҳон унга томон юзин бурди,  
Кароматнинг тимсолидир Юртбошимиз.

Эъзозлайди Ватан қадрин билганларни,  
Бирор лаҳза тинчимасдан жилганларни,  
Кечирди ҳам баъзан хато қилганларни,  
Адолатнинг тимсолидир Юртбошимиз.

Қад тиклади урф-одатлар, қадриятлар,  
Яхшиликдан бино қурган ўй, ниятлар,  
Авлодларга ёзгай мангу ўчмас хатлар,  
Саховатнинг тимсолидир Юртбошимиз.

Ақл-ёди Ҳаққа ошно этилгандир,  
Нигоҳлари уфқларга тикилгандир,  
Номи абад тарихларга битилгандир,  
Садоқатнинг тимсолидир Юртбошимиз.

Бу қисматнинг оғирлигин яхши билар,  
Муаммолар босқич-босқич ҳал қилинар,  
Эл-юргига барқарорлик, тинчлик тилар,  
Шафоатнинг тимсолидир Юртбошимиз.

Оlam узра ҳилпирайди юрт байроғи,  
Орзу-ҳавас, мақсадларин йўқ адоги,  
Элин ҳар бир ўғил-қизи — кўз қароги,  
Заковатнинг тимсолидир Юртбошимиз.

Пешволарга бўлган эмас ҳеч вақт осон,  
Жилоларин тан олмоқда жумла жаҳон,  
Эл баҳтига ул жафокаш бўлсин омон,  
Жасоратнинг тимсолидир Юртбошимиз.

## ЎРГИЛАЙИН, ОНА ЙОРТ

Юксакларга қадалгандир кўз қирим,  
Сенинг билан боғлиқ ахир ўй, сирим.  
Тақдирингга туташ эрур тақдирим,  
Жамолингдан ўргилайнин, Она юрт.

Куюк бўлсанг мен ҳам ночор куюкман,  
Суюк бўлсанг мен ҳам азиз, суюкман,  
Буюк бўлсанг бўй-басти тик, буюкман,  
Камолингдан ўргилайнин, Она юрт.

Кўҳна тарих шонинг эди бир тараф,  
Бойликларинг конинг эди бир тараф,  
Узилмаган жонинг эди бир тараф,  
Иқболингдан ўргилайнин, Она юрт.

Соғинаман сендан узоқ кетган он,  
Талвасага тушган каби ширин жон,  
Юрак — бағрим ҳижронингда бўлур қон,  
Висолингдан ўргилайин, Она юрт.

Кўз олдимда юксалади бўйларинг,  
Қон-қонларга сингиб борар тўйларинг,  
Ёр васлидай сирли эрур ўйларинг,  
Хаёлингдан ўргилайин, Она юрт.  
Иқболингдан ўргилайин, Она юрт.



## СИРОЖИДДИН САЙЙИД

### ВАТАН ОЗОДА БЎЛСИН

Куёш фалак тоқида,  
Ой ҳам фазода бўлсин.  
Нур ёғсин кеча-кундуз,  
Ватан озода бўлсин.

Ўтиб абри найсонлар,  
Дурлар тўксин осмонлар,  
Чарақласин айвонлар,  
Ватан озода бўлсин.

Шабнамларга юзигни  
Ювиб очгил кўзингни.  
Пок эт аввал ўзингни,  
Ватан озода бўлсин.

Бу дашту далалари  
Онангнинг аллалари.  
Ўйла тонг паллалари,  
Ватан озода бўлсин.

Майли гул, райxon ўстир,  
Ўғил-қиз, инсон ўстир.  
Аввал қалб, иймон ўстир,  
Ватан озода бўлсин.

Сен шом, наҳорига боқ,  
Боғу баҳорига боқ.  
Имом Бухорийга боқ,  
Ватан озода бўлсин.

Бу дунёда гул қолар,  
Боғ қолар, булбул қолар,  
Биз кетармиз, шул қолар.  
Ватан озода бўлсин.

## ИСТИҚЛОЛ

Не устихон, дарёга солдинг?  
Балиқ ҳам, холиқ ҳам билмади:  
Сен ким эдинг минг йиллар олдин,  
Қайдан келдинг, қайдан келмадинг?

Келмаганинг ростдир, эҳтимол  
Келганларинг ростмидир тағин?  
У не ўтмиш, у қайси шимол?  
Бу не бугун, яйраган бағир?

У не кеча, сайд сүяклар  
Кўмир каби қораймиш бирдан?  
Бу не бугун, массагет, саклар  
Ўмганини кўтарар ердан?

У не кеча, устухонлари  
Камон каби букилган миллат?  
Бу не бугун, ҳур бўлган сари  
Сүякларин ювади йиллаб?

Ҳар бир хожа, ҳар бир сайднинг  
Қора сүяклари оқарап.  
Бугун кимнинг ийди — ҳайити?  
Сүяк чайқаб, олар таҳорат?

Тушларини терс қилиб кияр,  
Армонларин олар ўнгариб.  
Энди сенмас, ўзини сур  
Кечаги ҳар мазлум ва фариб.

Мозий томон умр қарийди,  
Ёшаради келажак сари.  
Мустабидга меҳр арийди,  
Нафрат бўлар азмойишлари.

Не устихон, дарёга солдинг.  
Балиқ ҳам, холиқ ҳам билмади:  
Сен ким эдинг минг йиллар олдин,  
Қайдан келдинг, қайдан келмадинг?

## **ВАТАНПАРВАР**

У “Ватан!” деб бақирмайди ҳеч,  
Кучаларга чиқмас ҳайқириб.  
Тилига ҳам олмас эрта-кеч,  
Мақтамайди кенглик, айфирин...

Кўзларига ёш ҳам олмайди  
Ватан учун жамоат жойда.  
Ўзи билганидан қолмайди,  
У Ватандан кўзламас фойда.

Бирор кимга уқтирумайди у  
Ватанини суйишини қандай.  
Минбарлардан сочмайди туйфу,  
У жимгина яшар... Ватандай.

Бир аёлни суйгандай сурар  
У Ватанин жимгина ва хос.  
Елкасига қўлларин қўяр  
Ва ардоқлар бағрига босиб.

Керак бўлса жонини берар,  
Лекин уни ҳеч кимга бермас.  
Ҳар битта тош, ҳар битта терак  
Унга азиз, бегона эрмас.

Узун тоғларининг тошини  
Юрак тафтин бериб илитар.  
Юртга муҳаббатин шошилмай  
Тўкаётган қон билан битар.

У кўрқмайди, зорланмайди ҳам,  
Қонлар учун марҳамат кутмас.  
Жон берарга орланмайди ҳам,  
Билар, уни Ватан унугтмас.

Она бўлиб унугтмас Ватан,  
Бир ёр бўлиб сақлайди ёдда.  
Хоҳланг, уни қаҳрамон атанг,  
Хоҳланг, ватанпарвар — бир оддий.

Унинг учун бунинг фарқи йўқ,  
Мақтов тинглашга жон кўйдирмас.  
Ватанидан унинг кўнгли тўқ,  
Қолган гаплар бари уйдирма.



## КҮПНИ КҮРГАН ЎЗБЕКСАН

Сен муқаддас тупроқда Ватан қурган ўзбексан,  
Она ер кўз қорасидай асраб юрган ўзбексан.

Массагетлар маликаси мард Тўмарис момонгдек,  
Ағёрни ўз тифи бирла додин берган ўзбексан.

Вужудингда фидойилик, чўпон бобонг Широқдек,  
Қадим наслинг турклар беги, кўпни кўрган ўзбексан.

Икки шохли Искандар ҳам қадду руҳинг буқолмай,  
Спитамендай ажал келса, тикка борган ўзбексан.

Қутайбанинг қиличига бўйин эгмадинг, бироқ,  
Танҳо Ҳаққа сажда этиб — юзни бурган ўзбексан.

Сен Муқанна, сен Торобий, сен ботир Темур Малик,  
Мангуберди бўлиб ўзинг ёвни қирган ўзбексан.

Турон мулкин тиклай олган саркарда Темур бобонг,  
Жаннатга тенг адолатли давлат қурган ўзбексан.

Ўз элингни, ўз тилингни, иймонингдек сақлаб пок,  
Бошга қилич келганда ҳам содиқ турган ўзбексан.

Барот руҳий мадад олгай, ал-Бухорий, Яссавийдан,  
Ўтмишда кўп донг таратиб, даврон сурган ўзбексан.

## ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Ўзбекистон офтобидек кулиб боққан истиқлол,  
Ризвон боғидан Ҳумодек учиб чиққан истиқлол.

Дилларга эрк нурин сочиб, ёрқин уфққа йўл очиб,  
Шер юраклар юрагига оташ ёққан истиқлол.

Ватанинг оппоқ тонгига, кўклам нилий рангига,  
Менгзаб мовий осмонига, байроқ тиккан истиқлол.

Ўн икки юлдуз шуълали, түғ ҳилпирав жилоли,  
Сунбула буржи ҳилоли, хайрли балққан, истиқлол.

Авжи парда мадҳияси, олға чорлар садоси,  
Мағрур туриб фуқароси, оёққа қалққан, истиқлол.

Одилона қомуси бор, ҳаққи, ҳукуқи пойдор,  
Ўзига бек ўзбек, дебон, муҳрин таққан, истиқлол.

Она ерга чинор мисол томиринг туташ Барот,  
Жайҳуну Сайҳундек жўшиб қалбга оққан, истиқлол.



## ИСМОМУТ ОТА

### 1

Исмомут Ота<sup>1</sup>дан баҳт иси келди,  
Бўйнингда қўзимдан мунчоқлар шода.  
Сендан гўзал ҳаёт дунёда йўқдир,  
Йўқдир сендан гўзал ўлим дунёда.

Қўшиқлар тўқийсан мен ҳақимда сен,  
Шеърлар ёзадирсан менинг ҳақимда.  
Тушимга кирасан ярим оқшомлар  
Қўлларинг бўйнимда, сочинг — тақимда.

Уйғонаман. Фарёд чекади руҳим.  
Ўлимдир ўткинчи. Ҳаётдир абад.  
...бу гаплар унчалик эмасдир муҳим,  
Муҳими, йўқ сендан улкан муҳаббат.

\* \* \*

Қанотлар боғладим икки кифтимга,  
Юрагим жимгина чеккан фарёддан.  
Қошингга келдим мен ишқдан маст-аласт,  
Ошиб ўтиб, жоним, икки дарёдан.

Юртингга юртимдан бош олиб келдим,  
Дўстга гул, душманга тош олиб келдим.  
Кўзларимдан менинг, минг умид билан,  
Кўзларингта сенинг ёш олиб келдим.

---

<sup>1</sup> Исмомут *Ota* — Хоразм воҳасидаги қадамжо.

\* \* \*

Исмомут Отада ис бор десалар,  
Қийматин йўқотар дурри Яманлар.  
Исмомут Отада ис бор десалар,  
Чайқала бошлайди дилда чаманлар.

Исмомут Отага бир борсак, кўзим,  
Иккимизга Исо нафас қиласди.  
Бир-бировни шундай севамиздирки,  
Бизга Тоҳир-Зуҳро ҳавас қиласди.

Исмомут Отадир сенинг юрагинг,  
Унга ишқдан бўлак бир сир айтмайман.  
Бораман Исмомут Отага ҳар гал,  
Бир гал... қайтмайман.



**ФУРУР**

— Дунёда юртингни сўрсалар илк бор,  
Кўрсатгин десалар ўз беклигингни,  
Ўзингни не билан этардинг изҳор,  
Қандай исботлардинг ўзбеклигингни?

— Бугун кўргани йўқ ўзбекни дунё,  
Бу кўхна юртимни ҳамма билгайдир.  
Азалдан ардоқлаб етти пуштимни,  
Она тупроғимга тавоғ қилгайдир.

Мустақил юртимга — хур қуёшимга  
Боқсалар, қўзлари тиниб қолурлар.  
Жамики миллатлар менинг ўзимга  
Ўзим беклигимдан таниб олурлар.

Уйимга дастурхон ёзаман, меҳмон,  
Ушласанг, қўлингни куйдирап, ионон,  
Менинг рўзгоримнинг олов юраги —  
Тандирда қизарип пишган иссиқ нон.

Умримда яшайди ҳар икки олам,  
Мангуликка йўлдош қилдим ўзимни.  
Ўглимни эркалаб дегайман отам,  
Моможоним дейман суюб қизимни.

Жаҳонда биттадир ўзбек деган ном,  
Мен ўзимни шундай исботлагайман.  
Озод Ўзбекистон — Она Ватанга  
Фарзандлик ҳаққимни ҳалоллагайман.

ТҮЛИБОЙ ҚОБУЛОВ,  
Қорақалпоғистон ҳалқ шоири

**ҚУШИФИМ**

*Байрам Матжоновга*

Осмонимда қуёш ярқираб турсин,  
Тоғдан оққан булоқ шарқираб турсин,  
Рұхимда шодмөнлик барқ уриб турсин,  
Бутун жағон бүйлаб янгра, құшифим!

“Анов ҳовли, манов ҳовли бир бүлгай,  
Үртасида чархипалак гул бүлгай”...  
Аёллар – фаришта, эрлар пир бүлгай,  
Доим мени ўзинг құлла, құшифим!

Аллоҳ бериб, замон ўнгга айланди,  
Орзу-умидларим чинга айланди,  
Байрамларга улаштириб байрамни,  
Халқимга хушхабар йўлла, құшифим!..

Жонимни берурман халқим ишқида,  
Шоқсанам Фарибин кутар құшкида,  
Ошиқни ошиққа дийдорлаштириб,  
Боғларни сайр этиб яира, құшифим!

Кенг дунёдан күнглим илҳомланажак,  
Ҳар босған қадамим құшиқ булажак,  
Иқболимга кулиб турар келажак,  
Сайра, булбул каби сайра, құшифим!

Олисдаги Бойсун-Қўнғирот эллари,  
Алпомишнинг от ўйнатган ерлари,  
Минг йиллик тарихнинг тингла сирларин,  
Мустақилик тўйин тўйла, құшифим!

## ВАТАН

Машинасин сотди гаражи билан,  
Мол-ҳолини сотди қўраси билан.  
Уйин сотар пайтда отаси, бироқ  
Ўйлашди кенжатой боласи билан.  
Отаси: “Тузукроқ яшайлик”, — деди,  
Боласи: “Иложин излайлик”, — деди.  
Отаси: “Оролдан умид йўқ”, — деса,  
Боласи: “Умидни узмайлик”, — деди.  
Отаси: “Бариси сен учун”, — деди.  
Боласи: “Тушунтири маънисин”, — деди.  
Отаси: “Тан-соғлик керак-ку”, — деса,  
Боласи: “Фам ема мен учун”, — деди.  
Отаси: “Чанг ютиб юрмайлик”, — деди.  
Боласи: “Биз сира шошмайлик”, — деди.  
... Ўша пайт чорбоғда ит ҳурди...  
Улар:  
“Қўшнилар кўчмаса, кўчмайлик”, — деди.

*Қорақалпоқ тилидан  
Рустам Мусурмон таржималари.*



## **МИНАЙХОН ЖУМАНАЗАРОВА**

### **ҚУШИҚ КҮНГИЛГА ОШНО**

Агар қүшиқ сиғса күнглимга,  
Кенг жаҳоннинг сифтанидир бу.  
Фозлар қўниб ойдин кўлимга,  
Ҳумо қушин қўнганидир бу.

Дўст-душманим, юзимга боқиб,  
Излайверманг ғамнинг соясин,  
Тош қалбимни тошларга ёриб,  
Топдим дардларимнинг доясин.

Тулпор каби осмонга сакраб,  
Бўй бермадим ҳеч кимга мағур.  
Ичимда тош мисоли сақлаб,  
Ёлғиз тортгим келди ғам заҳрин.

Кулаб тушсам қайта турмайман,  
Тикка туриб чиқади жоним.  
Мен ҳеч кимга кўзёш қилмайман,  
Айтмагайман ҳеч арзу ҳолим.

Агар қўшиқ сиғса күнглимга,  
Кенг жаҳоннинг сифтанидир бу.  
Фозлар қўниб ойдин кўлимга,  
Ҳумо қушин қўнганидир бу.

## ОҚ ЁМФИР

Саҳро довуллари,  
Бепоён чўллар,  
Ҳуснимни обкетди,  
Эҳ-ҳ, ўтган кунлар,  
Кимсасиз саҳрова қизғалдоқ гуллар —  
Боғу бўстонларни соғинган энди.

Ўткинчи булатдан сачраган ёғин  
Қақраган чўлларнинг босарми мавқин,  
Ёрилган қатқалоқ ерларни айтинг,  
Булоқ сувларини соғинган энди.

Ўткинчи булатдек алдама нуқул,  
Оқ ёмфир,  
Оқ ёмғир,  
Қалбимни сел қил!  
Дунёда қудрат йўқ сендан ўзга, бил,  
Кенг далам ёмғирни соғинган энди.

*Қорақалпоқ тилидан  
Рустам Мусурмон таржималари*



## ИСТИҚЛОЛ ҚҰШИҒИ

Самбитеттени, гулни мақтабман,  
Хаётимнинг күрки атабман.  
Софинчимни тупроққа ийлаб,  
Отам йўқлаб, йиглаб юрибман.  
Кўз ёшларим кетмали бекор —  
Отам бўлиб келди Истиқлол!

Оврўпони кездим пиёда,  
Фаранг элин шарафлаб шеърда.  
Юртим туриб, ул хорижлардан  
“Эрким топдим, эрк топдим”, — дебман.  
О, Озодлик! Суманбар иқбол,  
Онам бўлиб келди Истиқлол!

Ўйинқароқ боламни койиб,  
Лермонтовнинг шеърин ёдлатиб,  
Кўз очишга қўймабман бир дам,  
Сингдирај деб “оғам” одатин.  
Болам, бугун Ҳадисни ёд ол,  
Сенга устоз бўлсин Истиқлол!

Ровийсиёқ бир чолни кўрсам,  
Хизр дея изин ўпардим.  
Пир Муҳаммад саховати деб,  
Унда оппоқ нурни қўрадим.  
Ўшал нурдан яралган ҳалол  
Хизр отам экан Истиқлол!

Юргбошимиз қўлида “Куръон”,  
Юртдошларнинг кўксига имон,

Бошга олар оқ рўмоддай соф  
Саждагоҳим сен — Ўзбекистон!  
Юз ўттиз йил бенасиб висол,  
Салом Сенга, гўзал Истиқдол!

Темур бобом номини қўшиб,  
Мен-да бу тонг битдим зар қўшиқ.  
Ул Қўшиқнинг ҳар сўзида жон,  
Айтсам борлиқ кетгайдир жўшиб,  
Ул Қўшиқ-чун бўлардим увол,  
Сен бўлмасанг, гўзал Истиқдол!

Ҳумо қушнинг патидан олиб,  
Дўплисига тикиб, ўрнатиб,  
Кетиб борар ширин болакай,  
Қўлларидан тутган Она тик.  
Қайга борар? — кўзларда савол,  
Бекатининг номи — Истиқдол!

Салом Сенга, эй буюк неъмат,  
Юртдошларим Алпомиш келбат.  
Ҳумо қушдай бошларга кўнган  
Қутлуг бўлсин боқий Муҳаббат.  
Қўлда тутган нондайин ҳалол,  
Насибамиз сенсан — Истиқдол!

## ОМОН АСРАГИЛ

Отам ҳам, онам ҳам ўзидир асли,  
Болам ҳам, кўтарим кўзимдир асли.  
Тиллога топилмас сўзимдир асли  
Аллоҳ, омон асра шул Ватанимни!

Томири Каъбага етган зўр дарахт,  
Бунда яшаганлар қўмсамас тож-тахт.  
Истиқдол муҳрига ўйилган сўз — Бахт,  
Аллоҳ, омон асра шул Ватанимни!

Софиниб яшайман ажлодлар руҳин,  
Кўз очиб топганим нодир гуҳарим,  
Кўнглимни тўлдирған зебу зеварим,  
Аллоҳ, омон асра шул Ватанимни!

Эл аро эгилмас бўйини кўрай,  
Ҳар куни Наврўзи тўйини кўрай.  
Ўзбекистон аталмиш куйини туяй,  
Аллоҳ, омон асра шул Ватанимни!



## АЗИЗ ЭЛГА

Бу боғларнинг булбуллари қариндошим,  
Бу тоғларнинг шаршараси қорасочим,  
Бу тонгларнинг шудринглари кўзда ёшим,  
Азиз элга айтадиган ўланим кўп.

Олтин унган далаларни ўпгим келди,  
Куёш қўнган паллаларни ўпгим келди,  
Темур туққан оналарни ўпгим келди,  
Азиз элга айтадиган ўланим кўп.

Лочин қушнинг қанотлари жуфт бўлади,  
Содик дўсту биродари кўп бўлади,  
Элим, ҳали омадларинг хўб бўлади,  
Азиз элга айтадиган ўланим кўп.

Керак пайти чақмоқ сўзни топиб айтдим,  
Ҳалол сўзни куйиб айтдим, ёниб айтдим,  
Дардларимга атиргулни ёпиб айтдим,  
Азиз элга айтадиган ўланим кўп.

Кўнгил хумор дутор, танбур хуш сасига,  
Нафас урдим Моҳларойим нафасига,  
Беш кетаман беқасаму атласига,  
Азиз элга айтадиган ўланим кўп.

Навоийнинг назми мерос таъбириман,  
Хизр назар қилган юртнинг томириман,  
Мен Ўзбекнинг ёниб турган шоириман,  
Азиз элга айтадиган ўланим кўп.

## ЎЗИНГТА БУЮРСИН, ЭЛИМ!

Қадаминг забардаст, нигоҳинг тетик,  
Кунларинг ой эмас, йилга етгулик,  
Қандай таъриф топай чин, арзигулик,  
Имконинг ўзингга буюрсин, элим!

Барака ёққанда самоларингдан,  
Эзгулик аrimас дуоларингдан,  
Навоий қайтганда наволарингдан —  
Бўстонинг ўзингга буюрсин, элим!

Мардлари кўп элга чўтмас ҳеч довон,  
Ўғиллар ўстирдинг, бешиги — иймон,  
Йиқилсанг суяган, суринсанг дармон —  
Султонинг ўзингга буюрсин, элим!

Ватандин айру не баҳту саодат,  
Сўнгги даминггача ғамхўру ҳамдард,  
Бир сиқим тупроғинг унутма фақат —  
Ошёнинг ўзингга буюрсин, элим!

На хуш ёруғ сўзсан тилакларимда,  
Мисли йўқ уммонсан юракларимда,  
Ўлсам, сингиб кетар суякларимга,  
Маконинг ўзингга буюрсин, элим!

Сени сўймоқ камдир, фидолик фарзим,  
Боламга атаган қиёмат қарзим,  
Ватан, томиримда жонимсан ўзинг,  
Давронинг ўзингга буюрсин, элим!

**ВАТАН ТИНЧ — БИЗ ТИНЧ**

Ҳовучимдан охулар сув ичган кунлар,  
Ҳурлиқолар афсунларни ечган кунлар,  
Гул умримда асал кунлар кечган кунлар,  
Сура мисол лабларимдан тушмади ҳеч,  
Ватан тинч — биз тинч.

Худога бир айтганимнинг ижобати,  
Юз иссиғи, кўз иссиғи, ҳидояти,  
Мустақиллик берган баҳту саодати,  
Борлиғимда оқ гулларни очган севинч —  
Ватан тинч — биз тинч.

Тұңлар гүзәл түшлар күриб ухлайдирман,  
Тонгларида ғунчалайман, гуллайдирман,  
Күнгилларга күнгилларни йўллайдирман,  
Дил уйини ушлаб турган муқаддас синч —  
Ватан тинч — биз тинч.

Шоир бўлдим, сирли-сирли хаёл бўлдим,  
Шаҳзодалар ечолмаган савол бўлдим.  
Иншооллоҳ, бағри бутун аёл бўлдим,  
Синдиrolmas, сўндиrolmas мени ўқинч —  
Ватан тинч — биз тинч.

Сув ўтларин шивирлаши булоғимда,  
Чечакларнинг пичирлаши қулоғимда  
Фақат бешик гичирлаши қулоғимда,  
Кўз тегмасин, такрорлайман оҳиста тинч —  
Ватан тинч — биз тинч.

Истиқлол — олтин гулим,  
 Мен сени на еру на кўкка экдим.  
 Кўксимда, ўзимда ўсган гулимсан,  
 Мен сени деганда титрайди лабим,  
 Ёш тўла кўзимда ўсган гулимсан.  
 Неча йил кўзимни очирмадилар,  
 Қабоғим ичида ўсган гулимсан.  
 Неча йил айтилмай келингган ҳасрат,  
 Томоғим ичида ўсган гулимсан.  
 Истиқлол — олтин гулим,  
 Устидан бекитиб йифлаган Ойбек,  
 Ойбекнинг тилида ўсган гулимсан.  
 Халқимдайин содда, буюк Миртемир,  
 Боладек кўнглида ўсган гулимсан.  
 Гулим, сенинг ҳидинг етиб бордими,  
 Қодирийнинг номаълум қабрларига.  
 Усмон худойимга шеър айтиб берган,  
 Ўша Кемерова, Сибирларига.  
 Тошларни-да ёриб чиқолган исён,  
 Саратон ичида ўсган гулимсан.  
 Корлардан қўрқмасман, не бу қорбўрон,  
 Тошбўрон ичида ўсган гулимсан.  
 Истиқлол — олтин гулим,  
 Мен нечун жонимни қизғанай сендан,  
 Ўғлимда, қизимда ўсган гулимсан.  
 Ўлимдан қўрқмагай энди Зулфия,  
 Сен қолар гулимда ўсган гулимсан.



## **ДАЛЬВАТ**

Аҳли одамият, Ватандек қалқинг,  
Ва жонни берингиз унинг ёдига.  
Ватан тупроғини тиз чўкиб ўпинг,  
Қаддингизни тикланг Ватан олдида.

Бу шундай жонларга берилмас хилқат,  
Унингдек азиз йўқ инсон зотига.  
Агар тупроқларга қоришсангиз ҳам  
Рұҳингизни тикланг Ватан олдида!

Эй фарзанд, миллатнинг жон томирисиз,  
Меҳрингизни сотманг гуллар тотига.  
Миллат байроғини юракка қаданг,  
Байроқни кўтаринг Ватан олдида.

Тоғлардек юксалинг Ватан чорласа,  
Боболар ўтдилар эрк деб ғамдийда.  
Бағрингизга босинг Ватан сўзини,  
Оёққа қалқингиз Ватан олдида!

Аҳли одамият, Ватандек қалқинг!



## ИСТИҚЛОЛ

Бу кунларни кўрмай буюклар ўтди,  
истиқлол даврида куюблар ўтди,  
ва не эл дилида суюклар ўтди,  
сенинг борлигингга борлиғим фидо,

сенинг ишқинг билан тунлар шайланган,  
момолар урчуғи узра айланган,  
зиндан гулларидаи нурга бойланган,  
сенинг борлигингга борлиғим фидо,

кун бўлди сўзлари, тили тугилди,  
ўғри деб ўғрилар элга тикилди,  
осмондай фидойи юрга эгилдинг,  
сенинг борлигингга борлиғим фидо,

мунглиф оналарнинг кўзидан ўтдинг,  
шоирлар шавкати сўзидан ўтдинг,  
сен силқиб буюклар бўғизидан ўтдинг,  
сенинг борлигингга борлиғим фидо,

амирлар, темурлар, маликлар келди,  
номозлар, мангулар, толиблар келди,  
сайийидлар амали голиблар келди,  
сенинг борлигингга борлиғим фидо,

ҳар нега тумшуғин суқар балолар,  
пинжингга пинжини тиқар балолар,  
гоҳо ичимиздан чиқар балолар,  
сенинг борлигингга борлиғим фидо,

икки газ ерида қулмаса ҳаёт,  
ҳимоя қилмаса, қилолмаса шод,  
не учун яшайди ўзи одамзод,  
сенинг борлигингга борлигим фидо,

келмадинг дедию кутиблар кетди,  
балки назарида тутиблар кетди,  
ул Ҳазрат тонгларда нидолар этди —  
на жоним, сен учун жаҳоним фидо,

энди умринг узун, барқарор бўлсин,  
кечалар кундуздай чароғ бор бўлсин,  
тунлари ёғишлар мовий қор бўлсин,  
сенинг борлигингга борлигим фидо!

## ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ

Одамзод ҳамиша, ҳар қачон  
озодликни этади орзу,  
эркинми ё маскани зиндан —  
истиқдолни яхши кўтар у.

Кушдан қиёс, жондордан қиёс,  
кенгликларни қўмсар жонлари,  
тушдан, ёмғир ё қордан қиёс,  
бағрига сифдирар осмонларни.

Сигмай қолар осмонга қуёш,  
сигмагандай косасига кўз,  
ҳаяжонлар, ҳижронлар оташ —  
қолипига сигмай қолар сўз.

Уқар эркни ҳар ким ўзича,  
кимларга у бир ҳовуч дондир,  
кимга кибр, элнинг қўзича  
олса бўлди — фақат унвондир.

Сигмай қолар денгизга тұлқин,  
күкракни синдирап ҳаяжон,  
қорачиғда қүёшча ёлқин,  
күлмакчада чайқалар осмон!

Сұз каби сермаňно озодлик  
зулматлардан тонгдай түйгандир,  
тушларига кириб ободлик  
отини унутиб қўйгандир.

Юракларга кўча бошлар тонг,  
кушчаларнинг сайроғи каби,  
зиёларда тўлгонар осмон,  
Ўзбекистон байроғи каби!

Хўрликни ҳурлик деб, тенглик деб,  
адоватни адолат атаб,  
шайтонлар зинданни кенглик деб,  
олтин, дур деб ўтдилар мақтаб.

Энди дилга қуюлади нур  
кавқабистон шароби каби,  
кўнгилларга баҳш айлар ҳузур  
озод тонглар шарори каби!



## ТУРКИСТОН БИТИКЛАРИ

Кимсаким, ошиқ дилдир,  
Умри армон ичинда.  
Тиконни ёри гулдир,  
Булбул фифон ичинда,  
Сен биргина лаиндан.  
Қўрқиб, паноҳ тиласен,  
Эътиқоди йўқ каснинг  
Минг бир шайтон ичинда.  
Валий зотлар қисмати,  
Сирли экан, во ажаб,  
Умри азоб ичинда,  
Руҳи осмон ичинда.  
Дорнинг оғочин суйган,  
Мансурдан кулма, ғофил,  
Ул фарзанди бақодир,  
Сен шул замон ичинда.  
Қарғага қарға қавмдир,  
Йилонга йилон ошно,  
Гар олимсен, нетурсен,  
Жоҳил, нодон ичинда?  
Ибодатгоҳ масжидлар,  
Бўлса низо макони,  
Қолур иймон кемаси  
Яна тўфон ичинда.  
Эй дўст, фақирлигингдан,  
Ношкурлик қилмагил,  
Аҳли уқбо камроқдир,  
Аҳли комрон ичинда.  
Агар најот тиласен,

Аждодингга ёвуқ бўл,  
Не азизлар ётибдур  
Бу Туркистон ичинда.  
Сен ҳурдирсан, бошингни  
Ҳақдин ўзгага букма,  
Ўзлигингни мутеълик  
Сақлар зиндан ичинда.  
Баҳор ўтди, ёнди ёз,  
Куз бағрида нурлар оз,  
Ранги сариқ изтироб,  
Барги ҳазон ичинда,  
Саҳарларда уйғониб,  
Аллоҳга ёлбор, Ёқуб,  
Чўкиб ўлмасин руҳинг,  
Бахри ёлғон ичинда.

## САККИЗИНЧИ ШАҲРИ ШАРИФ

Ўтган аждодларинг валий, орифдир,  
Унутсанг иймонинг, руҳинг ғарибдир.  
Бобораҳим Машраб туғилган макон,  
Бухоро сингари шаҳри шарифдур.



\* \* \*

Тўкилганда ойдан ёғдулар  
Яшнаб кетар улкан дараҳтзор.  
Оппоқ нурга чўмилиб сувлар  
Далаларга кирав беозор.

Тўкилганда ойдан ёғдулар  
Симиради майса-гиёҳлар.  
Буғдойзорлар сокин шовуллар,  
Олисларни бўйлар қиёқлар.

Тўкилганда ойдан ёғдулар,  
Заррин лиbos кияди осмон.  
Фақат сукут кўксини тифлаб  
Тиним билмай чақнайди кетмон.

\* \* \*

Бошимда ой каби дўпли ярақлаб,  
Эгнимда мовий ранг тўн билан шодон,  
Ўтмиш китобини сокин варақлаб,  
Дилим даҳри бўлар ёруғ, чароғон.  
Бугун дейман: худо, ўзингга шукр.

Оҳ, кечамасмиди, кимдир шеъримдан  
Курмак янглиғ “худо” сўзин тергани.  
Жанозани тақиқ этиб, изимдан  
Художўй деб, менга жазо бергани.  
Бугун дейман: худо, ўзингга шукр.

Улуғ боболарнинг кутлуг номига  
Қора чаплангани қўзим ўнгида.  
Муқаддас китоблар кириб эхромга,  
Қолиб кетган эди ҳаёт сўнгида.  
Бугун дейман: худо, ўзингта шукр.

Оқиб масжидларга элимнинг сафи,  
Аллоҳга юкуниб қилас ибодат.  
Ошёнига қайтган лайлаклар каби,  
Ў, юртимга имон қайтди ниҳоят.  
Бугун дейман: худо, ўзингта шукр.



## ЯША, ОЗОДЛИК!

Озодлик, сени мен кўзимнинг қони-ла ювганман,  
Сен-ла илиганман, сен-ла совутганман.  
Юрагим ичида боламдай кўрганман,  
Лабингга лаб қўйиб таъмингни сўрганман.  
Озодлик! Оёқлар остига бормасман!  
Кишангга кирмайман, занжирга тушмайман,  
Бегона жаллодга бошимни бермайман,  
Озодлик, бағриніта кирганман, ширининг сезганман,  
Гулинг ҳидлаганман, боғингда юрганман,  
Қизингдан маст бўлиб қўйнимга тортганман,  
Ҳилолинг остида шер бўлиб ётганман.  
Озодлик, оёқлар остига бормасман!  
Онамсан, озодлик, юзларим кўксингда,  
Қўлларим бўйнимда, мени сен севгайсан.  
Очликдан, қўрқмасман: риёдан қўрқарман,  
Кулмасман, қулликка бормайман, озодлик!  
Бормасман оёқлар остига...  
Сен мани эрка капалагимсан,  
Бошимга қўнгансан, бошимдан кетмайсан,  
Қизимсан, қизил қизғалдоғимсан,  
Оримсан, номуссан — сендан кечмайман,  
Озодлик! Оёқлар остига бормасман.  
Тирноқقا бормайман, панжага бормайман,  
Ялтоқи итмасман, ёлгонга бормайман.  
Мен сени соғиниб ичикиб топганман,  
Беш юз йил кечикиб, кечикиб топганман.  
Отганлар, сотганлар мен эмас, бошқалар,  
Элини мижиглаб сувини ичганлар

Билсинлар, бормайман оёқлар остига...  
Озодлик боламнинг боласига ет.  
Етмишта пуштига татигил, яна  
Етмиш минг аждодга оталик қилгил,  
Оёқлар остига йиқилма, Озодлик!  
Пишлогинг, хотининг, жилванг-ла аврама, зулм,  
Жимоли қўйнингга кирганлар узилган.  
Лаблари қийшайган, қўзлари сузилган,  
Номсиз одамларнинг дунёси дунёнг,  
Мен сенинг дунёнгга бормасман, Зулм.  
Озодлик, қоямсан, соя эмассан,  
Шошсан, Самарқандсан, Қўқонсан, Гурганж.  
Сўлимсан, ўлиммас — сен Ургутимсан,  
Соримсан, мағур, зўр бургутимсан.  
Сенсиз қандай яшай, ҳавосан, сувсан.  
Жонсан, жонгинамсан, ютоқганимсан,  
Сенсиз ҳаёт борми, Озодлик!  
Сенсиз нажот борми, Озодлик!  
Кўрганман, қувфинни, изгинни,  
Сарсонни, янчилган, топталган кунни,  
Сиртмоққа илинган момони кўрганман,  
Мунгни мен кўрганман, у билан турганман,  
Оёқлар остига бормайман, Озодлик!  
Мен сени елкамга опичлаб олайми,  
Самога чиқайми, Худодан сўрайми,  
Исмингни оловга тоблатиб олайми,  
Сен кимсан, худонинг эркаси, Озодлик!  
Энг буюк расулсан, Озодлик!  
Китобингни ўқийман, ҳижжалаб ўқийман,  
Динингга кирганман, динингдан чиқмайман.  
Йўлингга тушганман, бошимни тикканман,  
Далангга қалбимнинг қурини экканман.  
Озодлик, оёқлар остига бормайман.  
Қайрилма, бурилма, Зимистон чинқирап.  
Ола-кула қарап, элчиси келар —

Зирҳли елкасида тобут бор, қара?!  
Мен сенинг қора тобутингда ётмасман, Зимистон!  
Озодлик — гулим, оёқлар остига бормасмиз.  
Озодлик илк шеърим сингари латифим,  
Регистонда учган кабутаримсан.  
Шамолга маъшуқа бозбарагиму,  
Хўрланган кўнглимда муштдек йифимсан.  
Озодлик вужудим ичиди вулқон,  
Отамсан зулму дардан чиқмаган,  
Ёдимсан, уйимсан, паркурпамсан менинг,  
Озодлик, бормасман оёқлар остига.  
Сен менинг кенжатой суқсур ўғлимсан,  
Эмизик оғзида кулгани кулган.  
Бошингни ҳиддайман, ҳидинг бошқа сенинг,  
Ўзинг бошқа сенинг, Озодлик!  
Сен менинг қўкрагим, қичқириғимсан,  
Виқор-ла айтилган мақтовим.  
Белимдаги қувват, оғзимдаги илик,  
Ўзингсан оловим, озодлик!  
Бормасман оёқлар остига!  
Суюнчим, кулгучим, тилла қиличим,  
Тахти Сулаймоним, аҳду паймоним.  
Подшоҳим, шаҳзодам, илоҳийзодам,  
Озодлик сен — Ота!  
Отани зиндонга бермаслар, Озодлик!  
Устюртда қирқилиб қолган танимсан,  
Ҳиндда адашганим, маҳзун каломим.  
Faflat дунёсини уйғотган ҳам сен,  
Сенсан Каҳкашонга берган саломим.  
Қора қон бағрида лим-лим, лек мағрур.  
Наманган шаҳридан кетган шоҳ масрур!  
Гарчанд кўрлик мавжуд, кўрлик узра тўр,  
Сен кўрар табиби, нурлар ҳабиби,  
Чароғсан — чароғим Озодлик!  
Якқалам сен, пири назм сен,  
Навоий сен, мангу азм сен,

Ҳазиний сен, руҳга жазм сен,  
Түғилмак сингари новвот базм сен.  
Шу базм ичинда сенга ошиқман,  
Айланиб-айланиб қушга ўхшайман.  
Күшдай қушиқчиман, тонгдан айтгайман.  
Озодлик -- сув бердинг, қандай сув эди,  
Тирноғу сочимга тұқлик югурди.  
О, лазиз лаззатим, Озодлик!  
Юрагим түқ энди, Озодлик!  
Оёқлар остига бормасмиз!



**ВАТАН ДЕБ БИЗ БУЮК БИР  
ХАЛҚ БЎЛАМИЗ**

Айтсам, нондек ширин сўз бор дунёда,  
Айтсам, жондек ширин сўз бор дунёда,  
Ватан деб, шивирлаб айтиб кўринг сиз,  
Ватан кўнгилга қайтиб кўринг сиз?  
Чеҳрангиз балқийди, қуёш бўласиз,  
Қалбингиз қалқийди, кўз ёш бўласиз.

Онажон деганда энтиккан дилдек,  
Озодсан деганда яйраган кулдек,  
Ватан деб, энтикиб, эланиб айтинг,  
Ватан деб вафога беланиб айтинг.  
Жон ичра юз очган бир жон бўласиз,  
Сиз ерга сифмаган оғмон бўласиз.

Ватан узиб бўлмас гулга ўхшайди,  
Ватан — Машраб очган дилга ўхшайди,  
Аждоди авваллар ётмишdir унда,  
Бизни чўбир отда кўтарган кунда,  
Демангиз дунёдан ўтиб борамиз,  
Ватан деб, Ватанга кетиб борамиз.

Болангиз қувончи тўкилган тупроқ,  
Куёш бир кўрмаса ўкинган тупроқ,  
Жаннатдай муқаддас чаман бўлади,  
Аё дўст, у бизга Ватан бўлади,  
Ватан денг, кўнгилни кўзи очилсин,  
Ватан денг, соғинчнинг юзи очилсин.  
Ватан — алла берган оромдек ширин,

Ватан халқ кўрсатган икромдек ширин,  
Ватан денг, Худога юкуниб айтинг,  
Асра денг, тиз чўкинг, ўтиниб айтинг,  
Ватан деб биз буюк бир халқ бўламиз,  
Ватан деб иймонда бир ҳақ бўламиз.

## БИЗГА ИШОНГИН, ВАТАН

Туморлар тиладим сенга Тангридан,  
Энди қайфу кўрма, қувонгин, Ватан.  
Юзинг ёруғ чиқди ҳурлик жангидан,  
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Тупроғингда унган гиёҳлар ҳаққи,  
Аждодларим ёқсан чироғлар ҳаққи.  
Шу кунларни кутган фироғлар ҳаққи,  
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Қоқилдик, йиқилдик ўзни тутгунча,  
Қон ютдик, озодлик, сенга етгунча,  
Биз сени асроймиз ўла-ўлгунча,  
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Осмондан тушмади сотқинларинг ҳам,  
Озодлик қадрига етмаган одам,  
Одаммас, эл шоҳид, йўқ бунга шубҳам,  
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Туркиймиз, қадиммиз, қардошимиз бор,  
Боболардан мерос бардошимиз бор,  
Юрт юкин кўтарган Юртбошимиз бор,  
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Ёруғ манзилларга йўл олдинг, шодмиз,  
Келажак олдида масъул авлодмиз,

Фарзандмиз, она юрт, сенга нажотмиз,  
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Қучофимга сиғсанг, қучолсам қани,  
Баҳт бўлиб бошингда учолсам қани,  
Бизга ишонсанг бас, асроймиз сани,  
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.



## ЭШҚОБИЛ ШУКУР

### ҲУРРИЯТ

Толбешикка гулдай таянган синглим,  
Саҳар-саҳар қушдай уёнган синглим!

Үнг тиззангга ул олиб суяр бўлдинг,  
Чап тиззангга қиз олиб суяр бўлдинг.

Тол бешикка тўданалар тақасан,  
Тов бошидан сочалалар сочасан.

Уй тўрига улинг қуллуқ бўлсин-а,  
Минг кўйли ой, қизинг қуллуқ бўлсин-а.

От бошида дардим бор, айтиб ўтай  
Юртдан ният қарзим бор, айтиб ўтай.

Худо қабул қилсин, хуш ният бўлсин,  
Болангга бошдавлат Ҳуррият бўлсин!

### ОЗОДЛИК

#### I

Севгимдай севарман сени, Озодлик.  
Саёқ сак эмасман, қўчкин қуюнмас,  
Уясиз илонмас, уя излаган.  
Сенсиз ҳаёт менга азиз туюлмас,  
Бир парча юрагим эрк деб бўзлаган.  
Қандай ёлғонлайн... Қандай алдай мен,  
Қўлларим рубоб-ку, томирларим тор.

Ўсмир ёшимдаги севгилимдай сен,  
Ўлим ёшимдаги кўксимдаги ор.  
Севгимдай севгилим, сирим Озодлик!

## II

Шодлик улашармен дардга, қайфуга,  
Машрабдай сочилиб кетаяпман мен.  
Ўн олти ёшимда сезган туйфуга  
Ўттиз беш ёшимда етаяпман мен.  
Тоҳир Зуҳросини сүйгани каби,  
Мен суймак истадим сени, Озодлик.  
Битта муҳаббат деб келар ҳар набий  
Ва битта қайфудан кўкарап шодлик.  
Севгимдай севарман сени, Озодлик!

## III

Дилимда чаманлар бўлганида хор,  
Елкамдан потирлаб ўси қабрлар.  
Чўлпоннинг қошида чайқалганда дор,  
Жойнамоз устида жон берди пирлар.  
Бағримни чўқилаб зулмат ғажири,  
Қонаган дилимни қорганда лойга.  
Сўнгги китобини ёзди Қодирий,  
Турма туйнугига осилган ойга.  
Менинг варакларим қонли вараклар,  
Юрагим шифтидан чаккиллайди қон.  
Ёшлигим сурурин сўрди қамоқлар,  
Сибирь шамолидай увиллар Усмон.  
Севгимдай севарман сени, Озодлик!

## IV

Туманлар ичинда чарсиллайди дил,  
Отамнинг жонидай оғрир виждоним.  
Мени дуо қилгил, муштипар сингил,  
Мени дуо қилгил, севгим, армоним.

Ерларим топталса, хўрланса қуёш,  
Кўлим найза бўлсин, тишлирам ханжар.  
Тош бўлсин кўзингда милтираган ёш,  
Мени дуо қилгил, маъюс муштипар.  
Бошдан қора кунлар ўтди басма-бас,  
Севгидай тўкилдим, сувдай тўкилдим,  
Шунда ҳам тобутлар пойига эмас,  
Бешиклар пойига келиб йиқилдим.  
Севгимдай севарман сени, Озодлик.

## V

Ҳайрон қўлларимни очдим фалакка,  
Оёғим остида сўнгсиз паҳтазор.  
Ташландиқ оролдай ғариб юракда  
Ўлик кемалардай минг-минглаб мозор.  
Ёшлигим ой каби балқан паллада,  
Сирлар табассумдай гуллаган палла.  
Куёвлик кунларим қолди далада,  
Чимилдигим — дала, келиним — дала.  
Инсонлик изладим тун ёруғида.  
Инсонлик... Ватанлик... Халқлик... Ободлик  
Юрагимнинг рангин чимилдигида  
Мен кўрмак истадим сени, Озодлик,  
Севгимдай севимлим, сирим, Озодлик.

## VI

Юрак саҳарида кўриниш бердинг,  
Қуёш арзандаси, қўнгил ҳулкари,  
Кексайган отамдай мен сари юрдинг,  
Нон — реза боламдай келдинг мен сари.  
Инсонлик истармен ҳаёт боғида  
Инсонлик... Ватанлик... Халқлик... Ободлик.  
Юрагимнинг рангин чимилдигида  
Мангу кўрсам дейман сени, Озодлик.

Севгимдай севарман сени, Озодлик!

## ВАТАН СОТИЛМАС

Дунё заррасидан нарху наволи,  
Баъзиси бебаҳо, баъзи ҳавойи.  
Аммо молпарастлар, қўйинг савдони,  
Муҳаббат сотилмас, виждан сотилмас.

Бирор ҳаловатда ётиб кун кўрар,  
Бирор дўстларини сотиб кун кўрар,  
Умидни узингиз, эй нафси бадлар,  
Истеъдод сотилмас, ижод сотилмас.

Тани бурда-бурда этмоқлик мумкин,  
Бола-чақа, жондан кечмоқлик мумкин,  
Барини кечирса бўлади, лекин  
Эътиқод сотилмас, Ватан сотилмас.

Озод қуш каби рух учгай самога,  
Тақдири аёндир ёлғиз худога,  
Замонлар эврилур, аммо дунёда  
Шеърият сотилмас, шоир сотилмас.

Сотилса, демак у шоир эмасдур,  
Элу юрт, халқига доир эмасдур.  
Буюк яратишга қодир эмасдур,  
Ҳақиқат сотилмас, ҳаёт сотилмас.

## ЭЪТИҚОД

Қаноти йўқ қуш эдим аввал,  
Таъбири йўқ туш эдим аввал,  
Ўнгим келиб қолди бир маҳал,  
Энди мени тўхтатиб бўлмас.

Нурдай ёриб ўтгум зулматни,  
Дунё мендан кутар ҳимматни.  
Туймагандим бундай шиддатни  
Энди мени тўхтатиб бўлмас.

Тўхтаганлар толиб қолдилар,  
Ўзни кишанларга солдилар,  
Пирлар менга мадад бўлдилар,  
Энди мени тўхтатиб бўлмас.

Юр, йўлимда йўлдош бўл, дўстим,  
Бир умрлик дарлдош бўл, дўстим,  
Манзил яқин, манзилдош дўстим,  
Энди мени тўхтатиб бўлмас.

Елаяпман ўт ичра гўё,  
Бас келолмас шайтону рўё.  
Бормоқдаман сен томон, Аллоҳ,  
Энди мени тўхтатиб бўлмас!



## ВАТАН, КЎЗЛАРИМДА КЎКАРГАН ГУЛСАН

Ватан, айланайин қарогингдан мен,  
Минг йиллар сўнмаган чироғингдан мен,  
Болам, деб эмранган сўроғингдан мен,  
Ватан, айланайин қарогингдан мен.

Ватан, меникидир шу замин, тупроқ,  
Севдим, севавердим, кундан-кун кўпроқ,  
Хидласанг гулингман, сермасанг ярок,  
Ватан, меникидир шу замин, тупроқ.

Ватан, кўзларимда кўкарған гулсан,  
Бойчибор, Фирқўқдай тенгсиз дулдулсан.  
Юрагимда ҳар тонг сайрар булбулсан,  
Ватан, кўзларимда кўкарған гулсан.

Ватан, гулим сенсан, гулзорим сенсан,  
Мангу завол топмас баҳорим сенсан,  
Ҳаммадан қизғанар дилдорим сенсан,  
Ватан, гулим сенсан, гулзорим сенсан.

Ватан, онам сенсан, отам ўзингсан,  
Кўзлари кўзмунчоқ болам ўзингсан,  
Оҳ чексам бўғзимда нолам ўзингсан,  
Ватан, онам сенсан, отам ўзингсан.

Ватан, оҳим ўзинг, озорим ўзинг,  
Жонимни тикарга бозорим ўзинг,  
Энг сўнгти манзилим, мозорим ўзинг,  
Ватан, оҳим ўзинг, озорим ўзинг.

Ватан, сендан айро йўл йўқ заминда,  
Гулзор не, ҳаттоти чўл йўқ заминда,  
Сенсиз ёнар бўлсан, кул йўқ заминда,  
Ватан, сендан айро йўл йўқ заминда.

Ватан, айланайин қароқингдан мен,  
Минг йиллар сўнмаган чироғингдан мен,  
Болам, деб эмранган сўроғингдан мен,  
Ватан, айланайин қароғингдан мен.

## УМРИМНИНГ БЕШ ҚУШИ УЧДИ СИЗ ТОМОН...

### 1

Яна деразамни чертди янги йил,  
Бутун борлиқ улгайди бир ёш.  
Дастурхоним тўрида маъюс —  
Бир ўриндиқ тўкаётир ёш.

Мана арча... Мана ноз-неъмат...  
Мана давра... Бисёр дўст-душман...  
Нигоҳлари мендан сўз кутар —  
Бир ўқинчлар учар тилимдан:

“Агар... Агар яна бир марта  
Менинг онам қайтиб келсайди?!”  
Кимдир шивирлади кимгадир:  
“Шоир маст бўлганга ўхшайди!”

Қўлим қалтиради!  
Мунғайди арча!  
Чил-чил синиб кетди кўнглим қадаҳи.  
Нега мендан қочиб бораётирсиз —  
Шишадош дўстларнинг сотқин нигоҳи?!

Нега елкаларим силаётган қўл —  
Дир-дир тиграяпсан, чекаяпсан оҳ?!  
“Ахир шундай кунда...”  
Сўзлама бошқа!  
“Онамни соғиниб, қилдимми гуноҳ?!”

Савол чўкиб кетди дилнинг тубига,  
Сохта табассумни лабимга кийдим.  
Она, мен сизнимас, бугун даврада —  
Ўзимни ўзим ҳам йўқотиб қўйдим.

Сўнг айвонга чиқдим, ўзимни излаб  
Ва ўзимни топиб тиладим сабр.  
Яна боролмадим, кечир Онажон —  
Мени кечир ўзинг, саждагоҳ — қабр...

## 2

Умримнинг беш қуши сиз томон учди,  
Беш йилки, сочимни силашга қўл йўқ.  
Беш йилки, оламни туманлар кучди,  
Беш йил ахтараман, сиз томон йўл йўқ.

Беш йил сизсиз ўтди беш асрдайин,  
Үйлар қурдим, она, кўрганингиз йўқ.  
Дўстларим ёнимда, душманларим ҳам —  
Фақат сиз ёнимда юрганингиз йўқ.

Бешта баҳор ўтди, ўтди бешта ёз,  
Бешта куз қабрингиз ювди ёш билан.  
Беш марта қутурди қаҳратон аёз,  
Беш йил отам яшар эгик бош билан.

Қизим бешдан ўтди, ҳали билмайди —  
Ўлимнинг қабоҳат ўйинларини:  
“Ҳамманинг момоси кўйлакча тикар,  
Киймайман дўконнинг кийимларини.

Момомга борамиз, момомга”, дейди,  
“Менга тикиб берсин атлас кўйлакча...”  
Бир четда кўзёши тўкар, ўзингиз --  
Қизимни ўраган қуроқ йўргакча...

### 3

Борлиқни сукунат забт этди яна,  
Яна қиши. Яна қор. Яна қаҳратон.  
Оппоқ қорга ўхшаш гутунга чўмиб,  
Сизни соғиняпман, яна, онажон!

Нега? Нима учун? Миллионинчи бор —  
Онам ташлаб кетди бизларни, дейман?  
Ахир, ҳузурини кўрай демасдан —  
Боққанмиди ўғил-қизларни, дейман?

Онам осмондайин бағри кенг эди,  
Осмондай меҳрибон эди одамга.  
Бу кеч сукунатнинг бағрини йиртиб,  
Дардларимни айтдим осмонга.

Осмон қулаб тушди пойимга,  
Бир кечалик дардим ололмади у.  
Онамдай бағри кенг, онамдай содда,  
Онамдай меҳрибон бўлолмади у.

Онам шу заминдай заҳматкаш эди.  
Меҳнатдан қўллари тарс-тарс ёрилган.  
Дардларимни эшит, дедим заминга —  
Онамнинг лойи ҳам сенда қорилган.

Замин титраб кетди, тоғлар қулади,  
Дарёлар тошдилар бузиб ўзанин.  
Билдим, малол келди бир кечалик дард,  
Мени маъзур тутгин, эй она-Замин!

Онам ой мисоли фаришта эди,  
Қуёшдай қалб қўрин сочарди мўл-кул.  
Ойга ҳам ёлвордим, Қуёшга дедим —  
“Бор-йўғи бир кеча менга она бўл!”

Бу кеч ой тутилди. Қуёш тутилди.  
Дунёга ҳукмрон бўлди зулумот.  
“Ўзинг бир оҳимни кутаролмасанг,  
Онамни кўп кўрдинг, нега, табиат?!?”

Саволим сукутга кетди кўмилиб,  
Жавоб берадиган бирор-бир мард йўқ.  
Ҳар тунги оятни яна қайтардим,  
“Фарзандга онадек яқин ҳамдард йўқ!”

#### 4

Бирам меҳрибон кўп, бирам меҳр кўп,  
Қай бири номимга, қайси шонимга.  
Меҳр манфаатдан яралмас ахир,  
Нега ўҳшамайсиз онажонимга?

Бошимни бир силаб, қўлга қарайсиз,  
Тилимга қарайсиз, тилайсиз раҳмат.  
Ахир онам менга бериб умрини —  
Ҳаттоки, бир марта қилмаган миннат.

Кўзимга қарайсиз, ёшимни артиб,  
Ўнг келса мақтайсиз истеъдодимни.  
Чақирасиз меҳр кўрсатмоқ бўлиб,  
Онам қўйиб кетган содда отимни.

Сизга дўст керакми, тама, гидирсиз?  
Ростдан куясизми ушоқ жонимга?  
Агар шундай бўлса...  
Нигоҳларингиз...  
Нега ўҳшамайди онажонимга?!

Янги йилнинг, янги асрнинг,  
 Илк тонги ҳам келди бостириб.  
 Сармаст шаҳар, уйқучи шаҳар,  
 Қочаётир ундан ётсираб.

... Ёзганидан қочиб бўлмайди,  
 Тақдир ахир.  
 Пешона ахир.  
 Онам билан келдим бағрингга,  
 Салом сенга, эй янги аср!..



## **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ**

Тонгда турдим

Ибодат учун.

Ватан, сенга тилаш учун баҳт.

Милён, милён

Фарзандинг бу кун,

Нусратингни қилишгандир аҳд.

Нью-Йоркда, Париж, Лондонда

Иқболингга тилайди зафар.

Яхши ният, эзгу армонга

Ижобатлар келар муқаррар.

Маърифатнинг йўлини тутган

Олтин бўлсин азиз бошлари.

Оlam аро буюклик кутган,

Ўзбекистон,

ўзбек ёшлари.

Самодаги юлдузларни ҳам

Номинг билан атарлар бир кун.

Қалб қўрингдан бу кўҳна олам

Баҳра олиб айланар бир кун.

Дунёнинг энг машҳур куйлари

Таралади сенинг созингдан.

Озодликнинг, эркнинг бўйлари.

Баландлайди ҳур овозингдан.

Буюк Ватан,

сенга муносиб

Фарзанд бўлмоқ нақадар шараф.

Аждодларинг асрлар ошиб,

Камолингга турибди қараб.

Султонларнинг қони жонингда,

Юрагингда Темурнинг шаҳди.  
Кўкармоқда ҳар ошёнингда,  
Валийларнинг эккан дараҳти.  
Бу кунимга қиласман шукр.  
Эрта яхши бўлади, албат.  
Самолардан ёғилади нур,  
Мехрларга тўла муҳаббат.  
Бу кун бизлар ташладик қадам,  
Демак, баҳтга эрта етамиз,  
Бобоқуёш елкаларида  
Келаётир буюк эртамиз.  
Шижоатга, шиддатга тўла  
Олтин бўлсин азиз бошлари.  
Келажагинг бўлгай, эй дунё  
Ўзбекистон, ўзбек ёшлиари!  
Қадим дунё, шаън -шодликларинг  
Ҳеч сифмагай еру осмонга!  
Ҳар бир ўзбек сени эртага  
Буркагайдир  
шарафга, шонга!



# УМИДА АБДУАЗИМОВА

\* \* \*

## 1

Халқим, сенинг тўйингда  
Нонга тўйганларинг бор.  
Паноҳ топиб уйингдан  
Мехр қўйганларинг бор

Силагансан бошини,  
Артгансан кўз ёшини,  
Лек чимириб қошини  
Қовоқ уйганларинг бор.

Ўйлатар ҳаёт тарзинг,  
Гүёки бордай қарзинг,  
Ҳатто қилолмай арзинг,  
Пинҳон куйганларинг бор.

Балоларинг даф қилиб,  
Иш билгунча гап билиб,  
Текинхўрга чап бўлиб,  
Яшамоқ ўйларинг бор.

## 2

Бахт излаб келган кунинг,  
Тахт излаб келган кунинг,  
Келди энди, нақдингга  
Вақт излаб келган кунинг!

Тананг музу тош эди,  
Кўзинг тўла ёш эди,  
Ҳатто сенга айтилар  
Ширин сўз одош эди.

Яшадинг пешонам, деб,  
Кум экан кошонам, деб,  
Тандан ситилиб оқар  
Орзуим, нишонам, деб.

Кул қолибди, күмир йўқ,  
Ортга қайтар умр йўқ,  
Хаётингни боғлашга  
Бир қилтириқ томир йўқ...

### 3

Аллоҳ, ўзинг раҳм қил,  
Фаросат қил, фаҳм қил,  
Болаларинг аҳил қил,  
Бир инсоний ҳаёт бер.

Идрокидан айирма,  
Имконини қайирма,  
Беш кун дунё сайрида  
Қудратига қанот бер!

Ифор сезиб, таъм туюб,  
Нафратланиб ҳам суюб,  
Фикру зикрини кўйиб  
Яшамоққа сабот бер!

Борин англаб яшасин,  
Кўриб, тинглаб яшасин,  
Майли, инграб яшасин,  
Ҳаётига савод бер!

### 4

Ҳамма нарса худодан,  
Бизга тақдир атодан,  
Сабоқ олиб хатодан  
Эртамизга кўз тутдик.

Кўнгил ғаш, кўз ёш аммо,  
Эртага ҳал муаммо,  
Деб интилиб доимо,  
Фам-ташвишни унутдик.

Қанот чиқариб шаймиз,  
Биз эртага яшаймиз,  
Деб ҳаётга ташна биз  
Минг бир синовдан ўтдик!

Бевафолар қўлида,  
Кўз ёшларнинг қўлида —  
Чўқдик умр йўлида,  
Паст-баланд ғовдан ўтдик!

## 5

Фамга ботган қўп яшар,  
Бутоқ эмас, чўп яшар,  
Пинак бузмай хўб яшар,  
Ватан отлиқ уйингда.

Ер тагида шер бўлиб,  
Орзу-умиди сўлиб,  
Ётгунича жим, ўлиб,  
Чивин соз сув бўйингда!

Бахт топиб, еб ғамимни,  
Ерга қўйиб ғанимни,  
Бутлаб барча камимни  
Яшамоқ бор ўйингда!

Учқун сочган чўғ бўлиб,  
Гуноҳдан фориғ бўлиб,  
Устихон, ориқ бўлиб,  
Юрсанг-да — ЭРК, кўйингда!

Кўз-кўз қилиб мол-мулкин,  
 Бизни ерга қорганни,  
 Кузатармиз ёш, қулгу  
 билан гўрга кирганин.

Йўлин солар баҳога  
 Юрагимиз тилганлар.  
 Киши билмас даҳога  
 Ўзин қиёс қилганлар.

Ёр билан қўша қариб,  
 Фурбат тоғин йикқаймиз.  
 Йил оша ғамдан ариб,  
 Ёруғликка чиққаймиз!



**ВАТАН**

**Саҳна ортидан:**

— Тоғлар кўксин ёриб гулдурос келар  
Умр ҳаёт эмар осмонларингдан.  
Меҳрингта қанчалар чўмиб чулғансам,  
Шунчалар ярқираб юксалдинг, Ватан.

**Кекса авлод (отахон):**

— Зулм енголмади, зарб енголмади,  
Қанча жанг жадал онлардан ўтдим.  
Мен Темур, Навоий, Улугбек бўлиб,  
Ўзбекнинг шаънини асрадим, юртим.

Мен улуғ ўзбекман, кекса авлодман,  
Ул оғир кунларни кўрмагум қайтиб.  
Энди Ўзбекистон бўлиб пурвиқор,  
Тургум истиқолга шукронга айтиб.

**Ёш Ўзбекистон (бала):**

— Бугун мен янги баҳт, янги шон бўлиб,  
Қайтадан туғилган жажжи ўғлонман.  
Етмиш йиллик мудроқ мазмунни енгиб,  
Куёшдек юксалган Ўзбекистонман.

**Она:**

— Узоқ йўлга чиққан катта карвоним.  
Муроди ҳосил, мард жажжи ўғлоним.  
Сенга оқ йўл тилай истиқбол сари,  
Курраи заминни тутсин суронинг.

**Отахон:**

— Давомчим, кўз нурим, ўзбек полвоним,  
Сен билан ёруғдир жумла жаҳоним.  
Қаторга қўшилдинг битта эл бўлиб,  
Эркининг соҳиби Буюк Туроним.

**Бола:**

— Хуш ифор тараган гулшан ҳар ёним,  
Ҳар битта томирда оқади қоним.  
Ҳар юрак тепади мақсадим билан,  
Мен билан яхлитдир Ўзбекистоним.

**Боланинг хорга мурожаати:**

— Алпомиш, Барчинмиз, шу элнинг жони,  
Ҳар биримиз бир юрт ёки бир кўргон.  
Беш панжа бирикиб, мушт бўлар бўлсак,  
Пойимизга тушиб, тиз чўкар осмон.

**Хор:**

— Тарихи мангу эл, навқирон элат,  
Юрти бир, мулки бир, бир бутун миллат.  
Эзгулик гултожи ишқдан бунёдмиз,  
Ўзбекнинг эртаси — баҳтли авлодмиз.

**Отахон:**

— Баҳор бўлсин бу юрт — болам, бор бўлсин,  
Чанг ғуборин ҳам табаррук атанг.  
Ёниб яшанг олов қучоқларида,  
Жонингиздек суюб — Ватанни асранг.

**Ҳамма:**

— Қадрингни жон билан ўлчадик, Ватан,  
Бағрингда янградик ашъорлар бўлиб.  
Бўрон, довулларнинг йўлин тўсамиз,  
Илдизи мустаҳкам чинорлар бўлиб.

Бу боғлар, бу тоғлар довруқ солади,  
Номини барадла айтиб жаҳонга.  
Биз баркамол ўғлон, муносиб фарзанд  
Бўлиб бирикамиз Ўзбекистонга.

\* \* \*

Мустақиллик, Ватанга, жоним,  
Орзу бўлдинг не-не замонлар.  
Сенга умрин тикиб кетишиди  
Юрагидан ёнган ўғлонлар.

Мустақиллик, иккимиз шодмиз,  
Сано ўқир тўрт томон шу дам.  
Шайланамиз осмонлар сари,  
Вужудимиз тутқун бўлса ҳам.

Қандай тоза исинг бор сенинг,  
Қад кўтардинг довруқ-ла, мана.  
Лек табаррук номингни сотиб,  
Пасткашлиқ қиласин тантана.

Мустақиллик, буюксан, буюк,  
Қай ютуғинг изоҳдай ўқтам.  
Бугун сендеқ: — “Мард бўлинг, оға!..” —  
Деб турибман элимга мен ҳам.



## ЙҮҚЛОВ

Мен шунча йил яшаб эл аро  
Не орттиридим кириб шу ёшга?  
Бир бошимга юз мингта савдо  
Ва муайян исмимдан бошқа?!

Зеро парча эт бўлган жуссам,  
Юксалибди ҳар он муттасил.  
Кўпайибди кувончим — фуссам,  
Ва ортибди ёшим йилма-йил.

Данғиллама уй-жой қурибман,  
Машина ҳам бўлмабди армон.  
Эл қатори яшаб юрибман  
Кимдан яхши, кимдандир ёмон.

Барча янглиғ умр кечирдим,  
Гоҳида шод, гоҳида пурғам.  
Толеимда бор экан кўрдим  
Катта-кичик мансабларни ҳам.

Аста фикр қилсам ушбу кун,  
Соб бўлибди умримнинг ярми.  
Лек ҳақиқий шахс бўлмоқ учун  
Айтганларим басми, етарми?

Йўқ!  
Оҳиста юмиб кўзимни,  
Ногаҳоний йўқлов бошлайман.

Ва нишонга олиб ўзимни  
Саволларга кўмиб ташлайман:

Ўзга дилга оташ солгани  
Аввал ўзни ўтга солдимми?  
Ё адашган бирон кимсани  
Гоҳи ростга бошлай олдимми?!

Ёник қалблар қаҳрим зўридан  
Кетмадими айланиб кулга?  
Олов-оташ меҳрим нуридан  
Ёришдими биронта кулба?!

Бўлмасам ҳам оламга устун,  
Элга керак бўла олдимми?  
Ҳеч бўлмаса бир ниҳол учун  
Зарур тиргак бўла олдимми?!

Нокасларнинг йўлида маҳтал —  
Турмадимми қадим этиб дол?  
Ё олай деб биронта амал,  
Қилмадимми фуурни поймол?!

Иймон, дину диёнатимга  
Етмадими мендан залолат?  
Энг муҳими, муҳаббатимга —  
Қилмадимми ногоҳ хиёнат?!

Киролдимми дўстлар дилига,  
Кўшмадимми коримга фириб?  
Аросатнинг аро йўлига  
Қолмадимми адашиб кириб?!

Сўнгти нафас кўзингизда нам,  
Юр, дедингиз ўрнимни босиб...  
Бевақт кетган, раҳматли отам,  
Бўлолдимми сизга муносиб?..

Яратганга айлабон нола,  
Дуодасиз ҳамон чекиб ғам.  
Бўлоддимми сиз кутган бола,  
Муштипарим, онажонгинам?!

Ниманидир илғаб олдиндан  
Мақтадингиз ифтихор ила,  
Арзир шогирд бўлдимми чиндан,  
Айтинг, устоз — Ҳабиб Саъдулла?!

Ўзингдирсан мен учун маъво,  
Мен учун бурд, мен учун ор, шаън.  
Айтгил, содик фарзандлар аро  
Рўйхатларда борманми, Ватан?!

Йўқса, дўстлар!  
Бундай тақдирни  
Аянчимга йўяверинглар.  
Зиё Мансур деган шоирни  
Билмаймиз, деб қўяверинглар!



## **ЎЗБЕКИСТОН**

Ўзбекистон, ўзлигингга жон тикаман,  
Ўргилайн, беклигингга чин бекаман.  
Истасам гар файрат, иффат, шон экаман,  
Бўзми, тилло, ерим энди ўзимники.

Тутми, жийда мева шохи ларzon-ларzon,  
Ҳар қадамда буғдой, пахта, шоли хирмон.  
Олтинга йўқ ҳиммат сизда, бизда арzon,  
Мўлми, кўлми, терим энди ўзимники.

Эътиқодим, имонимни ололмайсан,  
Икки дунё буйнимга қарз илолмайсан.  
Хазинамнинг ҳисобини қилолмайсан,  
Камми, ортиқ, кирим энди ўзимники.

Айтаверсам ҳасратларим бир тоғ бўлди,  
Малла сочнинг ўргатгани қадаҳ бўлди.  
Изи қуриб, саргузаштлар адо бўлди,  
Ҳалолу пок — эрим энди ўзимники.

Уят қилмас ҳеч ким ўсма қўйиб юрсам,  
Сочларимга пилик солиб тўйга борсам.  
Кафтларимнинг бўз ерига хино эксам,  
Кўзмунчоқу ирим энди ўзимники.

Ўзбекистон, ўзлигингга жон тикаман,  
Ўргилайн, беклигингга чин бекаман.  
Истасам гар файрат, иффат, шон экаман,  
Сўзим, кўзим, ўзим энди ўзимники.

## ВАТАН ҲАҚИДА ҲУР ҚҮШИҚ

Қололмайман сенинг билан, қаро кунларим,  
Кечир мени, изгироблар, энди хайр-хўш.  
Жийда қийғос гуллаб турган анбар тунлари,  
Ҳаққим йўқдир йиғламоққа, салом, ойдин туш.

Салом, осмон, салом, қуёш, суманбар тонглар,  
Йиллар бўзлаб чорлаганим, суюкли ёрим.  
Энди висол, энди шукуҳ, етишди онлар,  
Ҳурлик, менинг баш эгамсан, иффатим, орим.

Ҳаққим йўқдир, ҳаддим йўқдир, суҳайло кўнгил,  
Ўзимники энди бу шон, тизгиним, тилим.  
Қара, қандай сарафроздир, учмоқда бу дил,  
Армонлари қалдирғочга айланган элим.

Ўтда ёнмас, сувга чўкмас энди бу ватан,  
Ер куррасин манглайига битилди: “ЎЗБЕК”.  
Ҳар бир ҳожи ҳижратида покланур бу тан,  
Куръон бўлиб, ҳадис бўлиб кирмоқда нурдек.

Қололмайман сенинг билан, қаро кунларим,  
Кечир мени, изтироблар, энди хайр-хўш.  
Жийда қийғос гуллаб турган анбар тунлари,  
Ҳаққим йўқдир йиғламоққа, салом, ойдин туш.

Ҳаққим йўқдир нолимоққа, афғон чекмоққа,  
Қодирийлар руҳи энди чирқирамас ҳеч.  
Ёғий, сенинг фурсатинг йўқ уруғ экмоққа,  
Ўтди фурлик, битди кунинг, энди жуда кеч.

Энди кечдир, ўзлигингни таниди элим,  
Ортга қайтмоқ беклар учун ўлимдир бешак.  
Тошни ёриб униб чиққан истиқлол гулим.  
Боболарим пок руҳларин тебратган бешик.

## СОФИНДИМ, САМАРҚАНД...

Дардим дунёларга сифмай кетган тун,  
Бунчалар, бунчалар сокинсан, очун?  
Қалбимдан булоқдек сизиб чиқар ун,  
Софиндим, Самарқанд, софинмадингму?

Вақт бениҳоядир, асрлар узун,  
Йиллар бир-бирини қувар туну кун,  
Бир армон қийнайди, мени, кўп маҳзун,  
Софиндим, Самарқанд, софинмадингму?

Умр бир лаҳзалик, эртага йўқмиз,  
Чархнинг камонидан отилган ўқмиз,  
Балки самониймиз, балки салжуқмиз,  
Софиндим, Самарқанд, софинмадингму?

Софиндим, гумбазинг, минорларингни,  
Минг йиллик қадимий чинорларингни,  
Руҳимда сақлайман шиорларингни —  
“Самарқанд сайқали рўйи замин аст!”  
Софиндим, Самарқанд, софинмадингму?

**МУСТАҚИЛ ЎРТ БОЛАСИГА**

Аржумандим, фозилу доно,  
Фаҳр этгил-у Сен туғрога бοқ,  
Давлатимиз рамзидур Ҳумо,  
Бахт сенга ёр, толеинг порлоқ.

Ватанин сев, ардоқла, болам,  
Буюк неъмат эрур Истиқдол.  
Элни севган инсон мукаррам,  
Юрт деганга кулгай бахт, иқбол!

Орзуимнинг гулгун ниҳоли,  
Иқболимнинг зиёси, болам.  
Қалбим қўри, умримнинг боли,  
Лочин қушим, ойдин шалолам.

Гулга тўлсин босган қадаминг,  
Иzlарингда эзгулик кулсин.  
Фақат шодлик бўлсин ҳамдаминг,  
Не тиласанг, мустажоб бўлсин...

## **ЎЗБЕКИСТОН – ЖАННАТИМСАН**

Ўзбекистон — жаннатимсан,  
Ўзга жаннат керакмас.  
Бебаҳо бир санъатимсан,  
Жиз этмаса — юракмас.

Сўз топмаган қиёсингга  
Шоирларинг чоғланиб.  
Бир кўрганлар қолар сенга  
Бир умрга боғланиб.

Ўзбекистон — танҳо юртим,  
Чиройинг-чун суймадим.  
Тупроғингни кўзга суртдим,  
Бойлик изин қувмадим.

Бирдай азиз яшил водий,  
Гиёҳ битмас чўлларинг.  
Дур ундириар танти, оддий  
Бободеҳқон қўлларинг.

Ўзбекистон — олтин диёр,  
Күёш кетмас бошингдан.  
Ҳамжиҳатлик қутлуғ шиор —  
Илк мустақил ёшингдан.

Дўстларинг кўп, дўстлар сероб,  
Яхшиларга ёндошдинг.  
Кулган баҳтинг эмас сароб,  
Мушкул довондан ошдинг.

Ортда қолди барча ситам,  
Чеккан азоб, хўрлигинг.  
Муборакдир энди ўктам.  
Хурлар ичра ҳурлигинг.

Ўзбекистон — жаннатимсан,  
Ўзга жаннат керакмас.  
Бебаҳо бир санъатимсан,  
Жиз этмаса — юракмас.

## МАРД БЎЛАДИ

Она юртим чаман-чаман боғлари бор,  
Дев келбатли кўкси баланд “тог”лари бор.  
“Тог” бўлса ҳам йигитларин феъли кичик,  
Кичик феълу ширинахан чоғлари бор.

Ўзбегимнинг йигитлари мард булади,  
Ҳар бирининг юрагида дард бўлади.  
Ёниб яшар юракдаги дарди билан,  
Лаббай, деб енг шимармоғи шарт бўлади.

Пахтасидай юраги оқ, кўнгли тоза,  
Таърифини қилар элу юрт овоза.  
Оналари ўтиради хўб керилиб,  
Қоматлари Алпомишдан ё андоза.

Фурурланар белидаги белбоғ билан,  
Тўйларида қиз-жувонлар айтар ўлан.  
От чоптириб кўпкарига тушганида,  
Кўзингизга кўринади тоғдай улкан.

## ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮГИМ!

Ё Раб, Ватан демиш каромат бўлгай,  
Мендек бечоралар навода ўлгай,

Нетай, ёниб келар бўлса баҳорим,  
Сана ишқим тушмиш, диёри ёrim.

Фанимлара қалқон бўлмиш тоғларим,  
Булбуллара макон бўлмиш боғларим.

Кувончлардан титрагай дил сесканиб,  
Мажнунтоллар қўшиқ куйлар тебраниб.

Билар бўлдим, ўзар бўлдинг, саманим,  
Сан манимсан, сан манимсан, сан маним.

Сандан ўзга Ватан мана бегона,  
Қашшоқ бўлгум, майли бўлгум девона.

Тупрогингни ҳидлаб ўлгум, суюгим,  
**ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮГИМ!**

## АДОЛАТ

Т. Т.га

Кимларни куидириб, кимни ўлдириб  
Гумонлар ситилди, тумонлар кетди.  
Ватан демиш севгим бағрим тўлдириб,  
Адолат аталмиш, Адолат қайтди.

Кимларни кўйдириб, кимни ўлдириб.  
Гумонлар ситилди, гумонлар кетди,  
Дўстим, мозийдан-да бир нидо келди:  
Куёш қоронгулик йўлин беркитди,  
Фиркўкни Гўрўғли қайтадан минди,  
Гумонлар ситилди, тумонлар кетди.

Ватан демиш севгим бағрим тўлдириб,  
Лайлимни берди-я, Барчинни берди.  
Фанимни, тиконни чоҳларга кўмиб,  
Ҳалқим чоҳ устида лолалар терди,  
Ватан демиш севгим бағрим тўлдириб.

Адолат аталмиш, Адолат қайтди,  
Дунё, Само, дарчалари очилди.  
Салом айтар бўлди, коинот айтди:  
— Улугбекнинг юлдузлари сочилди,  
Адолат аталмиш, Адолат қайтди.

Кимларни кўйдириб, кимни ўлдираб,  
Гумонлар ситилди, тумонлар кетди.  
Ватан демиш севгим бағрим тўлдириб,  
Адолат аталмиш, Адолат қайтди.  
Кимларни кўйдириб, кимни ўлдириб.



## МУНДАРИЖА

<b>Абдулла Орипов</b>	
Ўзбекман .....	3
<b>Ҳамид Ғулом</b>	
Айём муборак .....	4
Наврўз .....	5
<b>Эркин Воҳидов</b>	
Менда бор ишқ ичра ғам .....	8
<b>Ибройим Юсупов</b>	
Бўлмас .....	9
<b>Рамз Бобоҷон</b>	
Истиқлол нашидаси .....	10
<b>Жуманиёз Жабборов</b>	
Жаҳонда ягона Ўзбекистоним .....	14
<b>Ҳалима Худойбердиева</b>	
Озодликни бериб кетинг! .....	15
<b>Омон Матжон</b>	
Эътиқод .....	16
<b>Ойдин Ҳожиева</b>	
Истиқлол сўзин айтсан .....	18
<b>Тўра Сураймон</b>	
Айланиб .....	19
<b>Анвар Обиджон</b>	
Истиқлолнинг тенгдошиман .....	20
<b>Барот Бойқобилов</b>	
Ўзбекистон фарзандиман .....	21
<b>Шукрулло</b>	
Сен учун дедим .....	23
<b>Усмон Азим</b>	
“Яашашга не етсин...” .....	24
<b>Назармат</b>	
Ҳуррият .....	25
Карвонлар боради .....	26
<b>Толиб Йўлдош</b>	
Қалбимда қўшиқ .....	28
<b>Хуснинддин Шарипов</b>	
Бахт эрур .....	30
Наврўз келадур .....	31
<b>Йўлдош Сураймон</b>	
Бундай кунда сўзламоқ керак .....	32
Ўзбекистон байробги .....	34
<b>Муҳаммад Юсуф</b>	
Тилак .....	35

Ҳабиб Саъдулла	
Янги аср тонги .....	37
Ватан садоси .....	38
Тулан Низом	
Туркистон — менинг уйим .....	42
Муҳаммад Али	
Мен кимман .....	43
Соҳибқирон .....	43
Охунжон Ҳаким	
Агар ўғлон бўлсанг... .....	45
Куллуқ қылтинг .....	46
Азим Суюн	
Миллат байроби .....	47
Шарифа Салимова	
Ватан .....	48
Ошиқ Эркин	
Ўзбекистон — ҳур диёр .....	50
Жоним фидо .....	51
Гулчехра Жўраева	
Онанг бўлайин .....	52
Тасанно .....	52
М. Жалил	
Шу кунлар .....	54
Соябонинг, давлатинг келди .....	56
Сафар Барноев	
Кўрдик... .....	57
Бобомнинг ўтилари .....	58
Турсунбой Адашбоев	
Кўёшни қаршилаб .....	60
Зар уқали .....	61
Кутлибека	
Ўзбекистон .....	62
Хосият Бобомуродова	
Ватан сотилмас .....	63
Жонибек Субҳон	
Халқим .....	65
Ўзбеклик .....	66
Мирпўлат Мирзо	
Бу кунлар .....	69
Истиқлол .....	69
Абдулсаид Кўчимов	
Ватан ягонаидир .....	71
Ўзбекистон байроби .....	72
Абдулла Аъзамов	
Ватан мадҳ этилса, жўр бўлсин юрак .....	73

<b>Саъдулла Ҳаким</b>	
Оқсарой .....	75
Ватанга мансублик .....	77
<b>Тошпӯлат Аҳмад</b>	
Ўзбекистон бошқача .....	79
Кўрдим .....	80
<b>Абдулла Шер</b>	
Алқов .....	81
Таржимаи ҳолимга чизги .....	82
<b>Икром Отамурод</b>	
“Кангул ришталари тоб ташласа гар...” .....	84
“Касби куоли ясаган кўзанинг...” .....	84
<b>Садриддин Салим Бухорий</b>	
Авлиёларнинг юзи сенинг юзингдир, Ватан .....	86
<b>Исмоил Тўхтамишев</b>	
Адолатнинг тимсолидир Юргбошимиз .....	87
Ўргилайин она юрт .....	88
<b>Сироҗиддин Саййид</b>	
Ватан озода бўлсин .....	90
<b>Фахриёр</b>	
Истиқдол .....	91
Ватанпарвар .....	92
<b>Барот Истроил</b>	
Кўпни кўрган ўзбексан .....	94
Истиқдол шарофати .....	95
<b>Матназар Абдулҳаким</b>	
Исмомут ота .....	96
<b>Рустам Мусурмон</b>	
Ғурур .....	98
<b>Тўлибой Қобулов</b>	
Қўшиғим .....	99
Ватан .....	100
<b>Минайхон Жуманазарова</b>	
Қўшиқ, кўнгилга ошно .....	101
Оқ ёмғир .....	102
<b>Шарофат Ботирова</b>	
Истиқдол қўшиғи .....	103
Омон асррагил .....	104
<b>Сайёра Тўйчиева</b>	
Азиз элга .....	106
Ўзингта буюрсинг, элим .....	107
<b>Зулфия Мўминова</b>	
Ватан тинч — биз тинч .....	108
“Истиқдол — олтин гулим...” .....	109
<b>Гулжамол Асқарова</b>	
Даъват .....	110

<b>Йўлдош Эшбек</b>	
Истиқлол .....	111
Истиқлол тонги .....	112
<b>Ёкубжон Аҳмаджонов</b>	
Туркистон битиклари .....	114
Саккизинчи шаҳри шариф .....	115
<b>Турсун Али</b>	
“Тўкилганда ойдан ёғдулар...” .....	116
“Бошимда ой каби дўппи ярақлаб...” .....	116
<b>Абдували Кутбиддин</b>	
Яша, озодлик! .....	118
<b>Маҳмуд Тоиров</b>	
Ватан деб биз буюк бир ҳалқ бўламиз .....	122
Бизга ишонгин, Ватан .....	123
<b>Эшқобил Шукур</b>	
Ҳурият .....	125
Озодлик .....	125
<b>Чоршамъ</b>	
Ватан сотилмас .....	128
Эътиқод .....	128
<b>Ислом Ҳамро</b>	
Ватан, кўзларимда кўкарган гулсан .....	130
Умримнинг беш қуши учди сиз томон..	131
<b>Муҳаммад Исмоил</b>	
Ўзбекистон ёшлари .....	136
<b>Умида Абдуазимова</b>	
“Халқим, сенинг тўйингда...” .....	138
<b>Жумагул Сувонова</b>	
Ватан .....	142
“Мустақиллик, Ватанга, жоним...” .....	144
<b>Зиёвуддин Мансуров</b>	
Йўқлов .....	145
<b>Фарида Афрўз</b>	
Ўзбекистон .....	148
Ватан ҳақида ҳур кўшиқ .....	149
<b>Раъно Ярашева</b>	
Софиндим, Самарқанд..	150
<b>Муҳиддин Омон</b>	
Мустақил юрт боласига .....	151
<b>Равшан Исоқов</b>	
Ўзбекистон – жаннатимсан .....	152
Мард бўлади .....	153
<b>Ислом Аҳад</b>	
Ўзбекистон – келажаги буюгим... .....	154
Адолат .....	154

*Адабий-бадиий нашр*

## **ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ**

### **Шеърлар**

*Муҳаррир Жонибек Субҳон*

*Мусаввир Ҳамид Ҳудойбердиев*

*Бадиий муҳаррир Анатолий Бобров*

*Техник муҳаррир Татьяна Смирнова*

*Мусаҳҳих Лобар Мирзааҳмедова*

**ИБ № 3990**

Босишга 20.07.2001 й.да рухсат этилди. Бичими  $70 \times 90^1/_{32}$ .  
Таймс гарнитура. Офсет босма. 5,85 шартли босма тобоқ.  
5,5 нашр босма тобоги. Жами 3000 нусха. 218 рақамли  
буортма 51—2001 рақамли шартнома.

Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
Faғур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг  
рангли босма фабрикасида босилди. 700128, Тошкент,  
Усмон Юсупов кўчаси, 86-уй.